

1991 йил 1 сентябрдан  
чиқа бошлаган

# Жасмиyat

## ҲАР ҲАФТАНИНГ ПАЙШАНБА КУНЛАРИ СИЗНИНГ БЕФАРАЗ СУҲБАТДОШИНГИЗ



**Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик! Сиз уни яхши танийсиз. Адибнинг "Шайтанат", "Сўнги ўқ", "Чархпалак", "Мурдалар гапирмайдилар", "Меҳмон туйғулар" каби асарлари хириб бормасан хонадон йўқ.**

- Тоҳир ака, одамлар ширю ёзувчиларни асарлари машҳур бўлгандан сўнг кашф этишади ва улар ҳақида кўпроқ нарсаларни билишни исташади. Шунингдек, сизнинг ҳам шахсий ҳаётингиз, ҳаёт ҳақидаги қарашларингиз кўпчиликини қизиқтириши табиий...

- Тақдир тақозоси билан тоғам, яъни, машҳур ёзувчи Мирзақалон Исмоилийнинг хонадонини дунёга келган эканман. Шунда бир ҳикмат бор эдимки, тасодифми, билмадим. Бунинг қарангки, тоғам қаерда ва қай лавозимда ишлаганини, кейинчалик менга ҳам ана шу лавозимларда ишлаш насиб этди. Энг қизиғи шундаки, ўша даргоҳларда тоғам қайси хоналарда ўтирган бўлса, кейинчалик мен ҳам ўша хоналарда ўтириб ишладим. Ёзувчилигимга келсак, менинг биринчи ҳикоям еттинчи синфда ўқётганимда, яъни 60-йилларда чоп этилди. Матбуотда 1966 йилдан буён ишласам-да, меҳнат фаолиятимни 14 ёшимда қурувчиликка шогирд тушишдан бошлаганман. 16 ёшимдан қурилишда мустақил ишлаш бошладим. Меҳнат қилишни яхши кўраман. Хунарни, меҳнаткаш одамларни қадрлайман. Аммо, ёзувчи бўлиш қисматимда бор экан. Шу касбим билан халққа хизмат қилаялман.

- Сизни билганлар жиддий ёзувчи дейишади. Асарларингизни катталар ҳам севиб ўқиса-да, уларда кўпроқ ўсимирлик даврининг муаммолари акс этгандек...

- Болалар ҳар бир инсоннинг кўнглидаги гулдири. Болаларга асосан у яшаётган оила, ота-она ва атроф-муҳитнинг таъсири катта бўлади. Уларнинг кўнгли жуда нозик бўлади. Уларга дўст сифатида муомала қилиш, зўғум қилмасдан хатоларини тушунтириш керак. Отананинг вазифаси фарзандларнинг иқтидорини, истеъдодини ёшлаганидан сезиб, шунга қизиқтириб боришдир. Шунда болаларда бекорчи вақт бўлмайди. Бу эса, болада касбга, хунарга қизиқиш уйғотади. Муҳими фарзанд ўзи кўмсаган меҳр-

ни оиласидан топсин.

- Демак, болалар уйдан безса, ёки истаган меҳрини уйдан топа олмас, унда...

- Албатта ўша нарсани кўчадан излай бошлайди. Уйда унга ҳеч ким эътибор қилмас-ю, қандайдир бегоналар унинг гапларини завқ билан тингласа, болада ўша даврага, шундай муҳитга интилиши кучаяверади. "Жинойтнинг узун йўллари"



яшаймиз. Аслида ҳаёт шуниси билан қизиқ-да!

- Мухлисларимизга оиламиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз...

- Гарчи асарларимда нотинч оила ва уларда тарбияланган фарзандлар ҳақида ёзсам-да, ўз оиламнинг нақадар осойишта, бахтли ва меҳр-эътиборга бой эканлигидан фахрланаман. Рафиқам Муқаддасхон билан ўттиз йил умр кечирдик. Ҳалигача бир-биримизни қадрлаймиз. Айниқса, аёлим мен ва фарзандларим учун кўпроқ қайғуради.

### Оиламиз меҳмони

ҳаяжонландим ҳам. Бу ерда ҳар бир чодирнинг устига ўша мамлакатнинг байроғи тикиб қўйилар ва адашган зиёратчилар шунга қараб ўз мамлакатни одамларини топиб олишар экан. Бир пайт қарасам турли олачалоқ байроқлар орасида бизнинг байроғимиз яшанб турибди-да! Оллох, ўзингга шуқр, дея йиғла юбордим. Шу лаҳзаларда нафақат байроғимиз, балки, ватанимизнинг нақадар гўзал, на-

## Кўнгилдаги гапларим

туркумидаги биринчи китобимни "Алвидо болалик", дедим. Унда бугунги ёшларнинг ҳаёти ва оиланинг барқарорлигига кўпроқ эътибор қаратдим. Ушбу китобдаги воқеалар тарбияси оғир болалар ҳаётидан олинган. Китоб ёзиш баҳона жуда кўп болалар билан гаплашдим. Болалар колонияларида бўлдим. Масалан, асарнинг қаҳрамони Асрорнинг жинойт оламига кириб қолишига унинг ўз отаси сабабчи бўлади. Отаси ўгли қизиққан соҳани тан олмай ўз измига бўйсундиришга ҳаракат қилади. Оқибат эса... Ваҳоланки, ўша боладан етук олим чиқиши мумкин эди. Бундай мисоллар биз билган одамлар орасида ҳам жуда кўп. Мен эса болаларни жинойтдан асрагим келади. Ахир жинойтнинг пайдо бўлишига муҳит сабабчи бўлади. Чунки, ҳар бир инсон туғилганда пок, беғубор бўлади. Умри ана шундай покка яшаб ўтказиши мумкин-ку!

- Детектив ёзиш осон эмас. Лекин нима учун сиз айнан шу йўналишни танлагансиз? Яъни, жинойтчилар, қотиллар олами...

- Тўри, Бу анча мураккаб жанр. Аммо, гап фақат жинойтчилар ҳақида бўрттириб ёзишда эмас. Балки, туғла-тузук одамларнинг бу оламга кириб қолишининг сабабларини очиб беришда. Инсон жинойтчи бўлиб туғилмайди, аксинча, нотўғри тарбия ва ёмон муҳит уни йўлдан адаштиради. Вақти келиб ана ўша нотўғри тарбия хатолар сари етаклайди. Хатоларнинг олдини олмаслик эса турли жинойтларни келтириб чиқаради. Бу баъзилар учун умумий фикр бўлиб туюлаётгандир. Аммо, мана шу "жинойт" деган сўзнинг ўзи инсон ҳаётига нуқта ясаб қўймаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

- Тоҳир ака, урфу-одатларга бой халқмиз. Аммо, кейинги пайтларда биз эъзозлаган адулларимиз киммўзар мусобақаларига айланиб қолмаяптимики?

- Тўй қилмоқ, ўғил-қизларимизнинг камолини кўрмоқ қандай яхши. Лекин тўй кўнгилиши. Бир умр шу кўнларни орзу қилиб яшаймиз. Фарзандларимизнинг тўйларини қандай қилиб ўтказишимиз ҳам ўзимизнинг ишимиз. Шахсан мен ҳамма нарсанинг меъёрида бўлганини хуш кўраман. Чунки, тўй қанча дабдабали бўлмасин,



"Оила ва жамиyat" хонадонларимизнинг энг зоти маслаҳатчиси Тоҳир Малик билан оиламизнинг аълолари билан биргаликда. Аёлларимизнинг ҳамма нарсаси ҳам яхши. Булар сарғизга ўсишига асрамоқда. Булар сарғизга қамқовчанчи оиламиз ҳам бор.

кишининг обрўсига обрў қўшмайди. Фақат ўстирган ўғил-қизининг одобу ахлоқи, одамлардан олган олқиши билан ота-онасига обрў келтириши мумкин. Мен яшайдиган "Илгор" маҳалласида бундай ортиқча чиқимли маросимлар анча қамайган. Бундай кераксиз одатлардан кечини биз зиёлилар бошлаб беришимиз керак. Масалан, мен тўйларимда дастурхонга спиртли ичимлик қўйдирмадим. "Чарлар" қилишга ҳам ружаст бермадим. Тўйини эса кечаси 9-10 да эмас, балки соат 17 да бошладик. Соат тўққизларгача тўй бўлди. Меҳмонлар эса кечга қолиб кетишдан хавотирланмай, бемалол ўйин-кулгу қилишиб бафуржа тарқалишди. Нега энди шундай тарқалиш керак? Менимча мана шу одат ҳаммага маъқул бўлади, деб ўйлайман.

- "Шайтанат" ни ўқиганлар сизни анча димоғдор, қаттиққўл, деб ўйлашади...

- Балки, улар қайсидир маънода ҳақдир. Димоғдор эмасман-у, тилимнинг бироз ачиқлиги рост. Кимдир олдимда ёлгон гапирса чидай олмайман. Яхшиларга, дўстларга эшигим ҳам, кўнглим ҳам очик. "Шайтанат"нинг тўртта томидаги баъзи қаҳрамонларни ҳаётдан олганман. Аслида биз турмушнинг яхши томонларидан қувониб, ёмонликларига қарши курашиб

Оиламизда ҳали ҳеч ким бир-бирига қаттиқ гапирмаган. Ҳамма нарса ўзаро, келишиб ҳал қилинади. Шуқр. Етти нафар ширинтой набираларимиз бор. Уларни мустақил замонимизнинг ажойиб кишилари бўлиб камолга етишиларини орзу қиламан. Катта қизим Гулузора, айтгандек унинг исмини тоғамиз Мирзақалон Исмоилий қўйганман. Нигора қизимиз ва Шерзод исми ўғлим бор. Фарзандларга яхши ният билан, яхшиларга таассуб қилиб исм қўйишнинг ҳам ўзига хос ҳикмати бўлар экан. Ўз фарзандларим мисолирақ бунга ишондим. Ҳаммаси ҳаётда, оилада ўз ўринларини топишган.

- Ватан — сиз албатта уни жуда севасиз...

- Сўзасиз. "Ватанин севмоқ иймондандур", дейилган, ҳақдиримизда. Бу бежиз эмас. Иймонсиз ватанин севмайди; ватанин севмаган Оллоҳни севмайди-да. Мен эса туғилган тупроғимни, ота-боболарим изи қолган қадим заминимни ўзгача меҳр билан эъзозлайман. Ватанин, унинг соғинчи нелигини билмаганлар бахтсиздир. Дунёда ватандан айро яшамокдан олий жазо йўқ, инсонга. Сизга бошимдан ўтган бир воқеани айтай.

1992 йилда менга Каъбани зифрат этиш насиб этди. У ерда биздан ташқари борган 4 миллион одам бор экан. Арофат тоғида адашиб қолдик. Энди биргина умидимиз чодиримизни топишдан эди. Тумонот одамида бу осон эмасди. Ўзимизникиларни қандай топаман деб, анчагина

қадар қадри эканлигини юрак-юрагимдан ҳис этдим.

- Мустақиллик байрами арафасида турибмиз. Кўнгилингиздан налар кечаяпти.

- Очигини айтсам инсон тинч, сабрли бўлса кўнлари байрамдек, хурсандчилик билан ўтаверади. Бу кўнларни йиллар давомида орзу қилдик. Энди қўлимиздан келганини ватанимиз раванки йўлида сарфлашимиз, бу давримиз ҳақида энг сара асарларимизни ёзишимиз керак. Шу ўринда Президентимиз Ислам Каримовнинг бир гапини айтиб ўтгим келди. "Парвардигори олам буюк зотларни ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради." Ахир олис ва шонли тарихимиз, неча минг йиллик тарихимиз, буюк аждодларимизнинг муборақ номлари-ю улғ меросларимиз борлиги рост. Шу халқнинг фарзанди сифатида, азиз юртимиз ҳамиша шундай табарруқ бўлиб қолаверини, хонадонларимизни тинчлик, хотиржамлик асло тарқ этмаслигини Яратгандан сўраб яшайман.

Севимли адибимиз билан анча суҳбатлашдик. Тоҳир ака яна бир асарни бошлаб қўйганлигини айтди. Мўъжазгина фавворали, гулурайонлар яшанб ётган ораста ховлида ҳалқимизнинг суюкли адиби, ушбу хонадоннинг пирю бадавлат соҳиб хали анча асарлар ёзади. Биз бунга ишонамиз ва унинг асарларини кутамиз.

Басира САЙИДАЛИЕВА

Сўбатчи — М.МИРСОДИКОВ



**Одами эрсанг, демагил одами  
Ониқим, йўқ халқ гамидин гами.  
Алишер НАВОЙЙ**

Куръони каримда ёзилишича, Аллоҳ одами биринчи инсон қилиб яратган ва фаришта-ларга унга сажда қилишни амр қилган. "Хамма малоиқалар жам бўлиб унга сажда қилишди, фақат битта Иблисгина сажда қилмади" (Каҳф сураси, 50-оят). Одамга жуфт қилиб Момо Хавони яратди ва бу иккисига жаннатдан жой ато қилди. Ана шундай бутун фаришталар сажда қилган биринчи Одам номи билан ер юзидеги ҳамма ин-

омлар ва ичимликларни ўйлаб топди. Буюк, кўркам осори атикалар, обидалар, қаср ва саройлар, йирик шаҳарлар барпо этилди. Мамлакатлар, дёрлар, давлатлар вужудга келди. Турли-туман тиллар пайдо бўлди. Мамлакатлар орасида ўзаро қўшничилик муносабатлари ўрнатилди. Дунёнинг йирик шаҳарлари орасида савдо-сотик муносабатлари ривожланди. Буюк Ипак йўли каби йўллар вужудга келди. Алифбо, ёзувлар кашф этилиб, илм-фан соҳасида улар инотқуларга эришилди. Мўъжизалар пайдо бўла

ишлардан қайтаришга ҳаракат қилдилар, илм-фан, маърифат тарқатиш йўлида жонбозлик қасдқилдилар. Одам боласига ер юзидеги тинч-омонлик, тотувлик билан фаровон, бой-бадавлат ҳаёт кечириши учун ҳамма моддий ва маънавий қулайликлар мавжуд эди. Афсус, минг афсуски, шундай бўлмади. Бир Одамдан пайдо бўлган фарзандлар қотилликни ўйлаб топдилар ва турли бахосилар билан бир-бирининг қонини тўқидилар. Одам боласи куллик ва кулдорликни ўйлаб топ-

лион халқ қирилди. Афсуски, қиргинбарот урушларни бошлаган ҳукмдорларнинг бирортаси жаҳонга ҳукмрон бўлиш орзусига етолмади.

Одам боласининг яна бир ёмон, қабиҳ қилмиши ўзини қиргин қиладиган янгидан-янги уруш қуролларини кашф этишидир. Тошдан ясалган илк уруш қуроллари ўқ-ёй, найза, қилч, милтик, пулемёт, миномёт, бомба, танк, қирувчи самолётлар, сувошти кемалари, ҳозирги замон ядро бомбалари, турли-туман ракета ва ҳоказолар билан такомиллаштириб борилмоқда. Буларни кашф-ихтиро қилаётганлар Одам болалари эмасми? Ана шу одамизод ер юзидеги инсон ҳаётини тамоман йўқ қилиб юришига етарли оммавий қиргин қуролларини аллақачон тайёрлаб қўйди-ку!

Айрим ҳукмдорлар зулм ва разолат йўлидан бориб, ўз халқини қатағон қилди, бошига кулфатлар солди, мамлакатини кашшоқлик, қаҳатчилик балоларига гирифтор этди. Бунинг мисоли большевикларнинг Сталин раҳбарлигида миллионлаб турли миллат вакилларини, халқнинг энг комил раҳнамолари, аллома, саркарда, зиёлаларидан тортиб, оддий фуқароларгача қиргин қилганидир. Утмишда бундай адолатсиз подшоҳлар кўп бўлган. Шуларни Одам боласи деб аташга мажбурмиз.

Одам боласи шаънига хос яна

лик, ўғирлик, қиморбозлик каби жирканч, қабиҳ гуноҳи кабиларини содир қилаётганлар ҳам Бани одам эмасми? Шу қабиҳ ва жирканчли хислатлар ҳақида китоблардан ўқиб, эшитиб, кўзи билан кўриб туриб, яна уни содир қилаётган кимсаларни қандай қилиб Одам боласи, инсон дея оламиш?

Одам боласи ўйлаб топган ва унинг ботқоғига ўзи ботиб, азобу укубатларга гирифтор бўлган, насл-насабини бузиб, ўз шаънига, инсондек улуг, қарамли ва азиз номига инсон келтирган салбий иллатлар ҳақида қисқача сўз юритдим. Ер юзидеги ёруғлик ва қоронғулик, адолат ва зулм, илм ва жоҳиллик, яхшилик ва ёмонлик, сажийлик ва бахиллик кабилар инсоният пайдо бўлгандан буён у билан ёнма-ён яшаб келмоқда. Шайтон эса Одам туфайли жаннатдан қувилгани учун унинг болаларини йўлдан оздириш, гуноҳи кабиларга жалб этиш йўли билан улардан қасос олиш билан овора. Одам боласи ўзи ўйлаб топиб, ўзи содир қилаётган бу жирканч, разил ва қабиҳ иллатлар Куръони карим, пайғамбаримиз (с.а.в.) Ҳадиси шарифлари, буюк алломалар, шоиру адиблар китобларида, халқ оғзига ижодидега қаттиқ қораланди ва улардан халос бўлиш, қочиш қораклиги қайта-қайта уқдирилди. Бундай жиноятлар қабиҳ ишларга қўл урганлар бу дунёда жазоларини олиб, доларларга осилиб, бошлари қирқилиб, айримларининг умри қамокларда ўтиб кетди. У дунёда оладиган жазолари ҳали турибди.

Азиз ва қарамли юртдошларим, мамлакатимиз истиқболи бўлиши ёш авлодлар! Президентимиз Исро Каримов комил инсон, соғлом авлодни тарбиялаш борасида доим ғам-хўрлик қилиб келмоқда. Соғлом авлод фақат тану жони соғлом дегани эмас, балки ақл-идроқи, фикру-зиққи, зеҳну заковати соғлом, комил, фозил, йимонли, эътиқодли, ҳалолу пок деганидир. Аллоҳ таоло бизга забон, кўз, қулоқ ато қилар экан, шулар билан ақл юриштиш, оқу қарони ажратиш, яхши, савобли, хайрли ишларни қилиш, она юрт ва унинг халқи учун хизмат қилиб, қайғуриш каби эзгу ва савобли амалларни доғ этишни ҳам зиммамизга юклаб қўйган. Қабиҳ, разил ва жирканчли иллатлардан тийилиш, гуноҳу жиноятлардан қочишни марҳамат қилган. Мустақил, озод, келажаги буюк ва порлоқ юртимиз шаънига доғ туширмайлик, Одам боласи эканлигини мизни унутмайлик.

**Ҳожи Исмаилов  
АБДУЛЛОХ**

**Ўзбекистонда хизмат қилган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор**

# ОДАМ

сонлар одам деб атала бошланди. Иблис — шайтоннинг сўзига кириб, Одам ва Ҳаво ўзига ейиш ман қилинган дарахнинг (кўпинча бугдой дейишадди) мевасидан еб, гуноҳ иш қилганлари учун жаннатдан ер юзига туширилди. Шу қатори Иблис ҳам жаннатдан қувилди. Бунинг учун у Одамдан қасос олиш мақсадида, унинг авлодларини йўлдан оздириб, гуноҳ ишларни қилишга сабабчи бўлмоқда.

Одам ёхудийча сўз бўлиб, арабча инсон сўзи билан ҳам аталиб келади. Аллоҳ Одамни жамики ўзи яратган махлуқотдан юқори, азиз ва мукаррам қилди: "Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик ва уларни куриқлиги дегенга (от-улов ва кемаларга) чиқариб қўйдик, ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу-рўз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жондорлардан афзал-устун қилиб қўйдик" (Куръон, Исро сураси, 70-оят). Бу ояти қарима инсоннинг қанчалик буюк эканлигининг гувоҳи эмасми? Одам ато ва Момо Хаводан тарқалганлар — биз "бани одам" (Одам боласи) деб аталиб келмоқдамиз.

Аллоҳ ҳайвонлардан фарқли ўлароқ Одам боласига илм, ақл-идроқ, зеҳн-заковат берди. Бутун ер юзи, сув ости ва осмондаги махлуқотни бошқариш, ўзига бўйсундириш фақат Одам боласига насиб этилди. Куръони каримда зикр қилинган-23, ривоятларда нақл қилинган 120 мингдан ортиқ пайғамбарлар шу Одам авлодларидир.

Инсон боласи секин-аста ақлу заковати, фаҳму фаросати билан Аллоҳ яратган ер юзидеги нозу неъматлардан истифода этиб, ўзига лозим турли-туман либослар, уй-жойлар, зебу зийнатлар кашф этди, тўрт оёқли ҳайвонлардан уллов сифатида ҳам фойдаланди. Лаззатлик та-

бошлади. Пар машинаси, электр, автомашиналар, радио, телефон, учоқ(самолёт)лар, телевизор, ҳозирги замон компьютерлари ва ҳоказолар Одам боласи ақлу заковати билан вужудга келди. Одам боласи космосни забт этди, унинг қадами ойгача бориб етди. Бу мўъжизаларни кашф этган ўзлаб буюк алломалар номи турли зарваракларини беэзади, инсоният фаҳри бўлиб қолди.

Аллоҳ бани Одамни тўғри йўлга солиш, залолат ботқоғидан чиқариш, дунёда тинчлик-тотувлик, меҳру шафқат, поклик-ҳалоллик, фаровонликни барпо этишга тарғиб қилиш, инсон авлодини гуноҳ-маъсулиятлардан холи қилиш, зулм, адолатсизлик, фисқу фасодлардан қутқариш учун вақти-вақти билан инсон орасида ўз пайғамбар-элчиларини дунёга келтирди. Булардан тўрттаси — Довуд, Мусо, Исо ва Мухаммад алайҳиссаломларга Ўзининг муқаддас китобларини туширди. Булар бутун умрлари давомида Одам болаларини диёнат, эзгулик, поклик, ўзаро тотувлик, тинч ва хотиржам яшаб, биродарлик, меҳру шафқат каби олижаноб хислатларга тарғиб этиб, ҳар қандай ёмон

иккинчисини ёши, миллати, жинси, дини, хусн-жамолига қараб бозорда ҳайвондек кул қилиб сотди. Миллионлаб йигит-қизлар кул ва чўри бўлиб яшаб, уй-жой, бола-чака кўрмай дунёдан ўтди.

Аллоҳ таоло эр азиз ва мукаррам қилиб яратган Одам болалари уруш деган мудиш, фожиали ва разил иллатни келтириб чиқарди. Подшоҳ, халифа, амир ва бошқа ҳокимларга ўзи ашаб турган мамлакатни торлик қилди (Ваҳоланки у вақтларда мамлакатлар ҳудуди кенг ва етарли бўлган), ўзга юртларни босиб олиш билан мамлакатини кенгайтириш, у мамлакатлар бойлигини талаш ҳисобига хазинасини бойитиш иштиёқи пайдо бўлди. Баъзи ҳукмдорлар жаҳонга подшоҳ бўлишни орзу қилдилар. Булар бошлаган урушлар туфайли миллионлаб гуноҳсиз инсонлар, бева-бечоралар, норасида гўдаклар қони тўқилди-ку! Ҳар икки томондан нобуд бўлган, ҳали уй-рўзгор, бола-чака кўрмаган навқирон аска-йигитлар-чи! Халқ бойлиги ҳисобига бунёд этилган буюк иншоотлар, осори обидалар-ку! Битта Гитлер бошлаган Иккинчи жаҳон урушида 50 мил-

бир иллат тажовузкорлик (терроризм)дир. Ҳозир бутун дунёга илдиэ ёйган бу ўта қабиҳ, жирканчли иллатдан минглаб, миллионлаб одамлар азият чекмоқда, унга қарши курашга мислсиз маблағлар сарфланмоқда.

Инсон ҳаёти, феъли атворидега дунёга хирсу ҳаво, қирблик, манманлик каби салбий иллатлар ҳам ҳукм суриб келмоқда. Ҳожа Юсуф Ҳамадоний "Ҳаёт мезони" (Рутбат ул-ҳаёт) китобидега: "Бу киши дунё билан умр кечирмоқда, демак дунё билан тиринқидир. Бу адолат Одам боласининг ҳаёт мартабаси ва манзилидаги энг қадрсиз ва тубан даражадир. Чунки дунё матоси билан баробар бўлиб, овунган киши ҳайвонлар, ёввойи ва уй ҳайвонлари, қуш ва балиқлар билан баробар ва улар билан шерикдир", деб ёзган эканлар (Ўзбекча таржимаси, 11-бет).

Одам боласи ўз кушандаси, умр заволи бўлмиш папирос, наша, қора дори, героин каби гиёҳванд моддалар, ичимлик каби иллатларни ўйлаб топди. Булар туфайли навқирон ҳаётини ҳазон қилди, умри қамоқхоналарда ўтди, бу дунё ва у дунёси барбод бўлди. Фоҳиша-бозлик, каззоблик, фирибгар-

## ФАЛАБА УЧУН БЕЛЛАШУВ



синг Ассоциацияси президенти Александр Воинов барча иштирокчиларни ўшбу нуфузли мусобақа билан чин

дилдан қутлаб, уларга мураккаб жангларда омад тилади. Шунингдек, чемпионатни Бутунжаҳон Кикбокс ташкилотлари Ассоциацияси (WAKO) вице-президенти М.И.Мельтцер, Қозоғистон Кикбоксинг Федерацияси фахрий президенти И.К.Еликеевлар кузатиб боришди. Фулл-контакт баҳсларида юртимизнинг энг кучли файтерлари — Темура Мухаммаджонов, Шавкат Уроқов, Шухрат Юсуповлар голиблик учун асосий давъогарлар сифатида эътироф этилган эдилар. Мусобақалар якунига кўра, башоратлар ўз тасдиғини топиб,

ҳар уччала вакилимиз ҳам олтин медалга сазовор бўлишди. Очиғи вакилларимиз учун фулл-контакт йўналиши анчайин маъқуллиги намён бўлди.

Умумжамоа ҳисобидега голибликни Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари кўлга киритишди. Чемпионат мусобақаларидан сўнг, Осиё чемпионлиги учун профессионаллар ўртасида бўлиб ўтган мусобақада ҳамюртимиз Неймат Бобомухамедов россиялик Юрий Жарковни иккинчи раундда мағлубиятга учратди. Ушбу беллашув спорт ишқибозларида катта таассурот уйғотди.

**Тошпўлат ХОЛИҚОВ**

Куни-кеча пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида кикбоксинг бўйича Ўзбекистон очик чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Ушбу чемпионатда Ўзбекистон терма жамоаси билан бир қаторда қўшни Қирғизистон ва Қозоғистон мамлакатларидан ҳам кучли кикбоксингчилар иштирок этишди. Голиблик учун 250дан ортиқ кикбокс усталари 12 вазн тоифасида, икки йўналишда баҳс олиб боришди. Ушбу турнир Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиғига бағишланб ташкиллаштирилди. Мусобақаларнинг очилиш маросимида иштирок этган Бутуносиё Кикбок-

**Ахборот**



# ҚЎШИҚ МАШАҚҚАТ БИЛАН ЯРАТИЛСА...



Абдувахоб Одиллов асли андижонлик. У мархум санъаткор, Ўзбекистон халқ хофизси Одилжон Юсупов ва Кимё ая оиласида вояга етган ўн фарзанднинг бири. Катта ашула ижрочилиги мактабига асос солганлардан бири Одилжон ота

ўғлидаги санъатга бўлган қизиқишни қўриб бефарқ туролмади. Абдувахобга катта эътибор берди, маком ва катта ашуланинг сир-асрорларини ўргатди. Бугунги кунда у Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги хизмат кўрсатган хор жамоаси

артисти. Абдувахоб отаси ҳақида сўз кетганда, болалик кунларига қайта-қайта саёҳат қилади. У эсини танибдики, ҳамisha санъаткорлар курсовида. Раҳматлик Одилжон ота ҳаётликлариди Андижондаги уйларида одам аримаган. Тез-тез Юсуповлар хонадониди санъаткорлар тўпланиб туришган, санъат, мумтоз кўшиқлар яратиш борасида баҳсу-мунозаралар бўлиб турганигини Абдувахоб завқ билан эслайди. Шундан бери ўзи ҳам кўшиқ куйлайди.

Умр ўтаверар экан. Абдувахоб тўрт фарзанднинг отаси бўлди. У ижод чорраҳаларида ўз йўлини, услубини топишга ҳаракат қилмоқда. **- Абдувахоб, оила аъзоларинингизнинг санъатга муносабати ҳавас қилса**

арзигулик экан, - дейман мен.

- Турмуш ўртоғим Мавлудахон билан институтда бирга ўқиганмиз. У ҳозирги кунда Сирғали туманидаги "Ёшлар ва ўсмирлар ижодиёти" уйида ёшларга кўшиқчилик сир-асрорларини ўргатиб келаяпти. Қизимиз Шаҳноза эса мусиқа коллежиди анъанавий ижро мақоми бўлимида таҳсил олаяпти. Шаҳноза бу йил Ўзбекистон кўшиқ-кўрик танловида фаол иштирок этиб, биринчи ўрин сохиббаси бўлди. "Айлагач", "Эй, сарвароним", "Тановар"ни завқ билан берилиб куйлаганини қўриб фахрлиниб кетаман.

**- Оилангиз даврасида гурунларнинг асосий мавзуйини нималар ташкил этади?**

- Деярли кунора оила даврасида ота-бола катта ашулардан хониш қиламиз. Мавлудахон муносабат билдирадидилар. Яратилажак кўшиқларимиз хали олдинда. Мен кўшиқ машаққатлар, изланишлар эвазига дунёга келсагина, халқ кўнглидан жой олади, ўз мухлисларини топади, деб ўйлайман.

**Меҳриниса ҚУРБОНОВА**



## УФИЛЛАРИМГА...

(Боши ўтган сонда.)

13. Ўғлим, пул топиш осон. Обру топиш қийин. Шоир ёзганидек:

**Пул одамга қилсайди вафо, Қўлдан-қўлга ўтмасди асло.**

Ўғлим, обру пулдек қўлдан-қўлга ўтмасин! Мол-дунёга ҳаддан ташқари берилиб, одамгарчиликни унутиб қўйма! Ҳамма ўзини тижоратга уряяпти, дема! Эғлай олмаганлар хижолатда, ўғлим!... Биласан, яхши одам ўзига ярашмаган либосни киймайди. Хурмача қилиқ - розга нимча кийдирилгандек, қулгили. Тақинчоқлар тақиб олиш, ичиб ўзини кўрсатиш - гўзалликнинг тескариси нокас, ўсалликдир. Жуда кам ич, чекма! Ким билан, нима учун, қаерда, нима мақсадда ичяётганингни юракдан бил, ота ўғли!

14. Ўғлим, аввало элни тингла! Сўнг демоққа фикринг бўлса, рухсат олиб дегин! Каттини - катта, кичикни - кичик бил! Демокнинг ҳам мантиғи, чегараси, мақсади, фаоллиги, етти ўлчаб, бир кесмоги бору!

15. Пора олгувчи ҳам, пора бергувчи ҳам, ўртада даллол ҳам бўлма! Порани боши - қил, туби - гумбаз! Қўлданга борини ҳам - ёввойи пул олиб кетади. Ахир, унутма, ҳеч вақт ёввойи ҳайвон хонаки бўлмаган-ку?

16. Ўғлим, ёшлик, бўйдоқлик босқичидан ўтиб, ўспиринлик даврини ўтадинг. Энди оилабанд, оилали, отажон бўлдинг. Менинг назаримда, эру хотин - қўшалок кўз. Иккиси бирданига икки томонга ташланиб, икки нарсани қўролмайди. Икки кўз йўналиши, юрак билан битта - уйғун бўлганда: биринчидан, йўлни, иккинчидан, ҳаёт воқеаларини мукамал кўра олади; мақсадга бирга йўналади... Келин билан юрагинг, фикринг битта, ҳамоханг, мақсади бўлсин! Маслаҳатли тўн тор келмаслигини уқиб ол, ота ўғли!

17. Ўғлим, рўзгорбошисан, рўзгорингнинг ҳам қоши, ҳам кўзисан. Келин - кипригинг, чиройли, олмаюз, чехранг. У киприк чехра сени халққа беойна кўрсата олади. «Хар кимники ўзига - ой кўринар кўзига», - деганлар. Сен учун келин ой бўлсин! Киприкларни асраб-авайламасанг, вақти-вақтида парваршиламсанг кўзларингга қайтиб, кўзинг оқ, қорачикларига кириб қолса, бу алфозда кўзларинг ҳолидан не кечади, ўғлим! Шунинг учун оилангни, рўзгорингни асра, авайла!

18. Ўғлим, оилада ўрнингни бил! Рўзгор — олахуржини бошингга тушди! Масъуллинг анчага ошди; бозор-ўчарни, сарф-харажатларни гардинингга ол; ҳазиначи келин, сен харжчи бўл! Тарбияда, рўзгор ишида келин фаол бўлсин! Сен ҳам қаттиққўл ёрдамчи бўл! У аёл. Нозик шахс... Онадир, тунларни фарзандингга баҳида этиб, бедор ўтказаётган... У... сендек бўлолмайди... У вазираинг-ку, ўғлим!

**Эргаш АТОЕВ**  
Навоий вилояти  
Қизилтепа тумани,  
«Тошрабат» ш./х.

# КИТОБЛАР ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Болалигим ўтган ўша маҳалла, дўсту биродарлар, қўни-қўшиқлар... Бари кўзим олдида бир-бир ўтди. Икки ён қўшимиз орасида биз турардик, ора очик, ҳеч қандай девор йўқ эди. Бир катта кўк дарвоза олдида ўтиб қатнардик. 4 қўшнига бир дарвоза. Энг қизиги шундаки, чап тарафдаги қўшимиз математика фани муаллими, ўнг томондан қўшимиз уй бекаси бўлса, менинг онам касалхона ходими бўлиб ишлар эди. Агар бирор фандан қийналиб қолсақ дарров бу тарафдаги қўшимизнинг эшиги олдида пайдо бўлардик. Бу қўшимизнинг уйида туганмас хазина, китоблар хонаси бўларди. Бу хонадон сохибаси — уй бекаси, сохиби эса иқтисодчи эди. 8 нафар фарзанд бу оилада китобга меҳр билан ўсди. Чунки оила бошлиғи Иброҳим ака Мерганов тез-тез сафарда бўлар ва ўша жойлардан ҳам кўплай китоблар келтирарди. У киши ўз хонасини гўёки кутубхонага айлантирганди. Китоблар учун махсус жавонлар бўлиб, ўша жавон тахталарида катта сочликлар тўшлар ва устига китоб тўшларарди. Махсус китоб рақамлари ёзилган китоб тортомчалари бўлиб, қайси китоб қаердалиги нечанчи жавон, нечанчи қатордалиги ёзилганди. Энг қизиги шунда эдики, Иброҳим ака келган кишининг китоб тутишини зимдан кузатиб, кўнглига тўшсагина ўз кутубхонасига аъзо қиларди. Китоб очиб ўқиганларни кузатишининг сири китобни пастки қисмидан эмас, юқорисидан охишта

варақлар ва махсус китоб тахтакашлари бор эди. Ўқиб қолган жойингизга ўша кўрсаткичлар қўйиларди. Биз оиламиз билан бу кутубхонанинг доимий аъзоси ҳисобланардик. 8 фарзандига ҳам фақат мумтоз адабиёт вакиллари ва асар қаҳрамонлари номи қўйилган: Бобур, Баҳодир, Нарғиза, Жаҳонгир, Рузоба, Сиёвеш, Фариддун, Насима. Кейинчалик эса кимда ким исми қўймоқчи бўлса, бу кишига мурожати қилганлариди: Фарзона, Меҳрангиз, Парвина, Ардашер каби исмларни тавсия қиларди.

Йиллар ўтиб шаҳарга келин бўлдим. Аммо, қачон китоб керак бўлса ҳали ҳам у кишига мурожат қиламан. Чунки, кутубхоналардан топилмайдиган китоблар ўша файзли хонадон кутубхонасидан топилади-да. Энг қизиги, 15 дан кўп китоб жавонлари бу уйдан жой олиб, оила бюджетига ҳеч зарар қилмасди. Оила аъзоларининг китобга муносабати жуда баланд, ош-овқатга, қимматбахо кийимга, турли мебелларга эмас, балки китобга ошно эди. Бунинг самараси ҳозирда мева берган, аяхон кексайган бўлса-да, китобга меҳр қўйиб ўстирган фарзандлар ардоғида. 2 фарзанди Тошкентда обрўли ишхона эгалари, қолганлари ҳам туманда ўз мавқеига эга бўлган шахслар.

Вақти келиб мендан ҳам фарзандларимга шундай кутубхона мерос қолса, деб орау қиламан. Чунки, китобдан олинган маънавий эри ўзини ҳеч қандай бойлик боса олмас экан.

**Дилбар НОРМУРОВА**  
Термиз шаҳри

## Газетхон — газета ва ҳаёт ҳақида

"Оила ва жамият"! Аввалом бор менга қилган барча яхшиликларинг учун катта раҳмат. Менинг ёш, лекин ўз дарди, ўз изтироби, лекин даркаши йўқ қалбимга сирдош дўст бўлганинг, уни тинглаб турганинг учун минг раҳмат. Сени шунинг учун ҳам яхши кўраман-ки, сени қўлга олганда одамларнинг юрагини, ў-ю ҳаёлларини кўргандек бўламан. Бу ахир мўъжиза-ку! Хали ҳеч ким, ҳеч қайси олим, ҳеч қандай аппарат инсоннинг қалбиди налар содир бўлаётганини кўрсата олмаган. Сен эса бунинг удрасидан қичиб келаясан! Бугун сени шаҳардаги ҳеч қайси дўкон пештахтасида топа олмай сарсон юрганимда, нафақат мен учун, балки барча учун азиз ва қадрдон эканлигинга яна бир қарра амин бўлдим. Тилагим -кеलाжакда инсонлар орасида тугган ўрнинг яна ҳам ортиб бораверсин. Сен туйғайли кўплар бахтини, кўплар дўстини топди. Сенинг шарофатинг билан мен ҳам йиллар давомида қидирган дўстимни топдим. Бунинг учун сендан миннатдорман. Аслида сен одамлар орасида бахт кўприги бўлиб қолдинг. Сени яхши кўраман. Мана бугун сени қидириб ниҳоят топдим. Ўзим охиригиси экан. Ушбу сондаги Муаззам Мелиеванинг "Эркаклар ориятли бўлса", номли мақоласи мени жудаям ҳаяжонлантирди. Бу мақоладаги мавзу куннинг, жамиятимизнинг энг оғриқли нуқтаси. Ахир келажакимиз эркакларнинг фарзандларга берган тарбиясининг асоси-ку! Балки кимдир фарзанд тарбияси аёл кишининг бурчи деб билар. Лекин аёл — аёлда, у фарзандга назокатни, нафосатни, одобу

ахлоқни берар, эркаклик гурури, орият, тўпорилик, мардлик, қаҳрамонлик, ўқтамлик, шижоат ва жасоратдан ким уларга тарбия беради? Нера ҳозирги ёшларда шу туйғулар кам? Ёки ана шу туйғуларни фарзандларга мерос қилиб қолдирувчи оталарнинг ўзи айна шу боранда охиригиси? Бунинг катта ҳаёт оstonасида турар эканман, эртага мен ўз ҳаётимни бир умрга боғлайдиган бахтимни қидираман. Менга ҳамманинг оғзига тушган чиройингиз, қизлар ҳавас қилган машинангиз, отангизнинг молу давлати керак эмас. Менга мард, ориятли, пок виждонли, ҳақиқий эркак, бир умрлик вафодор ҳамроҳ керак. Мен тоғларга эмас, сизга суяниб яшашни хоҳлайман. Йўқ, ўйламанг, мен сизга ташна бўлганим йўқ. Фақат чор-атрофга аланглаб сизнинг соянгизни ҳам кўрмаётганимдан азобдаман.

Азизим "Оила ва жамият", шу каби ўйлар менга тинчлик бермаётган эди. Фикрларимни сен билан ўртоқлашмоқчи бўлдим. Узр, азиз газетам, бари-тин чиройли қилиб ёза олмадим. Бир ўйимни, бир ҳаёлим босиб кетаверди. Умид қиламанки сен уларга қулоқ тутасан!

Қадрдоним, агар ҳозир шу ерда мактубимни тугатмасам, яна ичимдаги қайнар булогим дардини дoston қилишни бошлайди. Яна тонгача ёзиб чиқишимга тўғри келмасин. Ҳозирча шулар етарли деб ўйлайман.

Сени севиб қолувчи мухлисанг

**Сайёра МАҲМУДОВА**  
Фарғона вилояти

Тарбия соати



Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш дейишади. Собир ака (исмини ўзгартирдим) учинчи бор бахтини излаб тахририятимизга келиши. Эллики энди қоралаётган бўлса-

хасталикка йўлиқиб оламдан ўтди. Хайҳотдек ҳовлида ўғилчаларим билан бўзлаб қолавердим. Ушанда кичгим эндигина бир ярим ёшга тўлган эди. Кўзим ярқ этиб очилди. Болаларимнинг

мени кўрсалар ҳам кўлларини туширмай жавдираб тураверишди. Жоним бўғзимга тикилди: "Бу нима қўлганинг", деб бакирдим хотинимга. У ҳам бўш келмади: "Бу арзандаларинг гапим-

бормадим. Ўзим болалар уйда бир кўз бўлиб ўсганим учун уларда ҳам менинг тақдирим такрорланмаслигини истардим. Шундай қилдим ҳам. Уларни болалар уйига топширмадим. Уйланишдан ҳам воз кечдим. Бирин-кетин ўсиб, етилиб одам бўлиб қолишди. Афсуски, бир ўғлимни тупроққа бердим.

Хозир учаласи бўйимга тенглашиб қолди. Ўртанчам бироз шўхроқ чиқди. Акасидам олдинроқ бир рус қизига уйланиб олди. Келаси ойнинг 15-санасида катта ўғлимнинг никоҳ тўйи бўлади. Сизни тўйга айтаман, атбатта борасиз. Унга ҳам алоҳида уй олиб қўйганман. Ўғлим бир нуфузли ташкилотда ишлайди. "Оила ва жамият"га келиб юрганганимни ўғилларим билмасди. Кеча кичик ўғлимга: "Ўғлим, мана сизларни ўқитдим, одам қилдим. Шу бир-икки йилнинг ичида сенинг ҳам бошингни икки қилсам, армоним йўқ. Мана ўртанча аканг ўзи билан ўзи бўлиб кетди. Ҳадемай Аббор аканг ҳам учирма бўлади. Бу мен учун катта бахт.

Лекин сизларни бирин-кетин йўқотаётгандайман, назаримда. Сени ҳам уйлантиргангидан кейин бу уйдан

носабатда бўламан. Шахсан мен уйланишингизга розиман. Мен ҳам пишир-қуйдирдан, кир ювишдан қутилардим", - деди кулиб. Бугун эрталаб катта ўғлим ҳам: "Дада, укамга бир гапни айтибсиз, ашитиб хурсанд бўлдим. Кўпдан бери шу гап кўнглимга келарди-ю, сизга айтишга истиҳола қилардим", - деди. Қариб-қартайиб қолганимда бу гапни тилга олмаган бўлардим. Элликини устидаман, етмиш йил умр кўраманми ёки кўпроқми ҳали умримнинг учдан бир қисми тургани учун келинларимга малол келиб юрмай, деб шу қарорга келдим-да, ука. Қани энди мени тушунадиган, болаларимни болам деб биладиган бир муслима бўлса-ю, қолган умримни болаларимга, унга бағишлаган бўлардим. Тақдирим шундай бўлишига бош сабабчи ўзимман. Энди хатоларимни тузатишим керак.

Собир ака билан анча гаплашиб ўтирдик. Умрининг бир қисмини болалари келажагига бахшида этган бу инсонга ҳавасим келди. Уткинчи хою ҳавас деб ўз жигарбандларини болалар уйига топшираётганлар ҳам йўқ эмас орамизда. Собир ака тавқидлаганидай ҳаётга ўқисик нигоҳлари билан қараётган бир кўз болалар ҳам йўқ эмас. Қўчқўйларда тиланчилик қилиб юрган болалар ҳам топилиб туради. Бир куни автобусда 5-6 ёшли бола ёнимга келиб: "Ака, пул беринг", - деб кўчаларини тутди. "Пулни нима қиласан", - десам: "Қорчим оч, нон олиб ейман", - деди. "Ота-онаң борми?" - деб сўрасам: "Бор, лекин улар мени ташлаб кетишган", - дея овози бўғилди.

Бундай нохуш манзара миллатимиз, жамиятимиз кўрkingа доғ эмасми? Халқимиз энг оғир дамларда ҳам ўз болаларига қўшиб, ўзга миллат болаларини ҳам қаноти остига олган. Собир аканинг тақдири ҳам айрим кимсаларга ибрат бўлади, деб уйлаймиз.

Тоҳир НОРИМОВ

# БОЛАЛАРИМНИ ОЁҚҚА

лар-да, ўзларини анча олдириб қўйган. Салобатли келбатларига ярашиб турган оппоқ сочлари, кўзлари остидаги қатор-қатор халқаларни кўрган одам ҳеч иккиланмай олтимиз ёшдан ошган бўлса керак, деган тахминга боради. Мен ҳам шундай деб ўйлагандим. Анчайин ака-укадай бўлиб қолганлигимиз учунми, бугун ёрилдилар.

- Мен 6 ёшлигимда отам оламдан ўтган, - дея гап бошлади Собир ака.

- Кейин бобом онамни бошқа бир инсонга узатиб, мени уйимизнинг ёнидаги болалар уйига бердилар.

Ахён-ахёнда онам келиб турарди. Болалар уйда ҳаётга учирма бўлдим. Кичиклигимдан бир қиз билан дўст эдим. Тарбиячилар: "Озодани кўриқлаб юрaver, сенга уни олиб берамиз", - деб ҳазиллашиб кулишарди. Шундай ҳам бўлди. Озода билан тақдиримиз қўшилди. Тўйимиз ҳам болалар уйда бўлиб ўтди. Чунки бу пайтада бобом билан бувим оламдан ўтгандилар. Рафиқам иккаламиз ўқидик, кейинчалик уйли ҳам бўлдик. Мен вино заводда ишлардим. Винога сув қўшиб сотиб дадавлат бўлиб кетдим. Пул мени йўлдан оздирди. Ойда рафиқам тўрт ўғилчам ҳам кўзимга кўринмай қолди. Не-не номаъулчиликларни қилмадим, дейсиз. Бари ўтди. Ҳаром пул, номаъкулчиликларимнинг касри хотинимга урди. Хотиним оғир



кирини ювиш, уларга нонушта тайёрлаш, бирини мактабга, учтасини боғчага олиб бориш, кейин олиб келиш, эҳ-ҳе, қанча захматлар чекмадим, дейсиз. Раҳматли хотинимга қанчалик қийин бўлганини, унинг қадрига етмаганимни шунда тушундим. Аммо кеч эди.

Орадан маълум бир вақт ўтиб битта қизчаси бор аёлга уйландим. Бошда у болаларимга яхши қаради. Кейинчалик мен ишда пайтимда уларга озор беришини пайқаб қолдим. Бир куни атайин баравақтроқ ишдан кайтдим. Уйга келсам хотиним ташқаридаги ошхонада овқатга уннаппти. Рўпарадаги деворда учта ўғлим кўлларини баланд кўтариб турибди. Кичигим катта ўғлимнинг оёғидан қучганича уввос солиб йглаб турибди. Болаларим

# ТУРФАЗДИМ, ЭНДИ...

га кирмайди. Йўқотсанг йўқот, бўлмасан мен бу уйдан кетаман", - деб ўшқирди. "Кетсанг ана катта кўча. Ҳозирок йўқол, кўзимга кўринма", - дедим тутакчи.

Хотиним қўлидаги капгирни ҳовлига улоқтириб, шанғиллаганча уйга кириб кетди. Болаларимни баргимга босиб ўқириб обордим. Шу алфозда қангича турганимни, хотиним қачон уйдан чиқиб кетганини билмайман. Шу кетганча хотиним қайтиб келмади. Мен ҳам йўқлаб

## ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

- Газетангизнинг ашаддий мухлиси-ман. Ўзимнинг ҳам бир неча мақолаларим чоп этилган. Ҳаётда адашган, тўри йўл тополмай қийналиб юрган одамларга кўлимдан келганича ёрдам бераман-у, аммо бугун ўзим ҳам кўпчиликнинг маслаҳатига муҳтож бўлиб қолдим, - дейди тахририятимизга кириб келган аёл.

**-Лаҳжангизга қараганда Намангандан келганга ўхшайсиз?**

- Ҳа, асли наманганликман. Иسمим Моҳира. Олти ойдан буён уч нафар болам билан Тошкентда яшайпмиз. Биз ота-онамдан иккита қиз ёдгор қолганмиз. Отам эрта қазо қилган. Онам вафотидан олдин ўзларига тегишли уй-жойни синглим иккаламизга мерос қилиб қолдирди. Биз овсиним билан қайнонамдан қолган ҳовлида яшардик. Онам раҳматлик: «Тирик-лигида бизникига кўчиб ўтинглар», дея бир неча бор тақлиф киритди. Аммо хўжайиним «ичкўёв» бўлмайман, деб туриб олди. Синглим Тошкентга кетиб қишлоққа қайтишни хоҳламади. Менинг унга ҳавасим келарди. Хар қишлоққа келганида, «Опа сизлар ҳам Тошкентга кўчиб бориңлар, у ерда яшаш мазза», - дерди. Мен кўнмасдим. Ота-онам уйидаги эшик-деразаларни одамлар ўғирлаб кетавергач, биз кўчиб ўтишга мажбур бўлдик. Туппа-тузук рўзгорим, бир-бирларига меҳрибон қўшниларим бор эди. Афсус...

**-Нега афсусланаяпсиз?**

- Турмуш, ўртоғим узоққа ишлагани кетгач, синглим бизникига серкатунов бўлиб қолди. Ниҳоят бир куни у: «Онамдан қолган уйни сотиб, Тошкентга кетамиз, сизга зўр иш топиб қўйдим.

Қишлоқда пахта териб, мол боқиб юрасизми? Мана мени қаранг, қандай яшайпман», - дея ҳар хил гаплар билан оромимни ўғирлади. Уйни сотмай десам синглимни улушини беришим керак. Хуллас, ноқулай вазиятга тушиб қолдим.

Ниҳоят опа-сингил уйни сотишга қарор қилдик.

# ЎЗ СИНГЛИМ ДЕБ ИШОНГАНДИМ

Ёнгина-миздаги қўшнимнинг: «Моҳира, эсингизни йигинг, эрингиз келгунича сабр қилиб туринг, ундан берухсат кўч кўтарман», -дея айтган маслаҳатлари қўлогимга кирмади. Тоғам ҳам ёнимга келиб: «Назира, шаҳарда яшаб анча ўзгариб кетибди. Сен соддани бир балога гирифтор қилмасан, деб кўркаман», - дея насиҳат қилди. «Йў-э, тоға, жигарим менга ёмонликни раво кўрмасан керак, ўз синглим-а!», -дея тоғамнинг гапларига эътибор бермадим. Хуллас, уйни сотдиг-у, пулни сумкага жойлаб, опа-сингил уч нафар болани эргаштириб йўлга тушдик. Синглим билан эри (хотини-ю, беш нафар фарзандини ташлаб, ўз оталик, эрлик бурчини билмай юрган эркак билан яшаётган экан) уч хонали квартира топиди. Олди-сотди ишлари туғач, бир хонасини бизга беришди. Ошхона, туалет, ваннадан бирга фойда-

ланамиз. Аммо ҳозир ичимга чироқ ёқса ёришмайди. Синглимнинг анани эркакдан орттириб олган боласи бор. Нақ шайтоннинг ўзгинаси. Болаларимга кун бермайди. Қишлоқда эмин-эркин ўсган болаларим қафасга тушган қушдай «дома» ўрганолмаяпти. Синглим эри билан бозорга чиқади, улар келгунича овқат-повақт қилиб, уйларни тозалаб ўтираман.

**- Сизни кўпроқ нима безовта қилаяпти?**

- Бир куни синглимга ўзимни яқин олиб, эрингни ўз хотини, болалари олдига юбор, уларда нима гуноҳ, агар сен бориб келинг десанг, эринг айтганингни қилади. Ахир эрингни ота-онаси ногирон бўлса, 5 нафар болани ахволи нима кечаяпти экан, - дея насиҳат қилдим. Шунда у: «Менга ақл ўргатманг, нима қилишни ўзим яхши биламан, эримдан ажтиб олмоқчимисиз?», -дея жанжал кўтарди. Орадан икки кун ўтиб, ёстигим тагига беркитиб қўйган 20 минг сўм пулимини 5 яшар қизчаси ўғирлаб чиқиб кетибди. Синглимга айтсам танолмади. Энди: «Уйни бўшатиб қўйинг», -деппти. Ахир қаерга бораман? Уч болам билан ким ҳам бошимни силарди. Хўжайинимни ёнимга кетай десам, манзилни билмайман. Ундан ташқари, йўл ҳақи учун пулим ҳам йўқ. Нима қилишни билмай қолдим. Аёл дардларини айтиб хонани тарқ этар экан яна бир келарман, -деди-ю, чиқиб кетди.

Мени эса икки опа-сингилнинг дастидан азоб чекаётган болаларнинг тақдири уйлантириб қўйди.

**Моҳира опа "Билмайин босдим тиконни, тортадурман жабрини", кўйига тушиб қолган. Нотавон синглисининг хийла-ю, найранглари унинг бошига кўп маломатлар ёғдурди. Икки ўртада бошпанасиз қолди. Қишлоғига кетишга ҳам, шаҳарда қолишга ҳам йўл йўқ. Агар у ақл билан иш тутганида, кўпни кўрган қариндош-уруғлар маслаҳатига қулоқ солганида бу кўйга тушмасиди.**

**Азиз мухлис! Сиз бу ҳақда нима дейсиз? Балки сизнинг доно маслаҳатларингиз туфайли Моҳира опа тақдир жумбоқларига жавоб топар. Мактубларингизни кутамиз.**

Н. ЙЎЛДОШЕВА



# БУНДАЙЛАРНИНГ ЎРНИ ЖАҲАННАМ БЎЛГУСИ!

«Қасос юки оғир экан» — 13-сон

**ЭСЛАТМА:** “Эримнинг Аб-рор исми амакиваччаси менга гап отар, мен эса буни ҳеч кимга айтолмасдим. Эрим Аброр билан бирга бир жанжалга аралашиб қамалиб кетди. Аброр эса яна эски қилигини давом эттирапти. Нима қилишга ҳам хайронман. Менга маслаҳат беринглар”.

Н. ЙУЛДОШЕВА



дарвозами? Бир бевурд, искирт йигит шунчалик “маймун ўйин” қилади-ку бошқалар сезмайдими? Уйда ўтирган қайнонаси-ю, Анди-жондаги ота-онаси нима қилиш-шайпти дегим келади. Ундай десам, Шохиданинг ўзи нега бундай номаҳкулликларга чидаб юрибди. “Одрилиқ”нинг бундай тури бизнинг ўзбек аёлларимизга ҳечам тўғри келмайди. “Темирни қизигида бос”, деганларидек, бундайларнинг қилмишини керакли кимсаларга: Ота-онасига, қайнонасига, лозим бўлса маҳалла мутасаддиларига айтиб танобини обдон тортириб қўйиш керак. Хали у “Андишанинг отини кўрок” қўяётган бўлса керак.

Синглим, Шохид! Сиз Аброрни дастлабки ноҳў ҳаракати вақтидаёқ панд едиришингиз мумкин эди. Эрингиз ёки қайнонангизга шипшитсангиз бўларди, токи унинг сизни “яхши кўриши” авж олиб кетмасин-а! Хали бир оила турмушининг дарз кетишига сабабчи бўлган инсон “мукофот” сиз қолмайди. Ёки Аброрнинг қилмишларини кўпчилигининг муҳокамасига қўйиб, уни уйингизга келадиган қадамни қирқтиринг-да, ўзингиз айтганингиздек, эрингизни “бир умр кутиб яшайдан чарчаманг”.

Сўзим ниҳоясида шуни айтмоқчийдим: оилалар бахтига раҳна солувчилар - Аброрларнинг ўрни жаҳаннам бўлишини унутмайлик, азизлар!  
Афифа ҲАСАН қизи

Бу мақола тафсилотлари мени ҳам уйга толдирди. Барча жонотларнинг гултожи саналган Инсон ақл-заковати, турки-таровати, одоб-ахлоқи, меҳр-мурувати ила севимли бўлиб яшаш зарур бўлгани ҳолда нега орамиздан Аброрлар чиқиси керак? - дея қаттиқ ранжидим. Аброрнинг ёш келинчака “ошиқлик” қилиши ақлга сиғмайдиган иш. Ҳадиси шарифларда ўганининг аёлига эгри кўз билан қарашнинг ўзи ҳам катта гуноҳ дейилган, Аброр эса ҳеч нарсадан тап тортмай, бировнинг аёлига ботиниб гапирса-я! Ҳаётнинг бешафатлигини қаранг-ки, ўша суяқ оёқ Аброрнинг касофати билан Дилшод қамалиб қолибди. Бунга Аброрнинг чакимчилиги сабаб бўлиб қўшни йигит Уктам жанжал вақтида жароҳатланибди-да, эссиз! Шундай мудҳиш воқеа ҳам Аброрнинг кўзини очмабди, ҳулоса чиқариб ололмабди. Хархаша, жанжаллар натижасида Шохиданинг туғилажак фарзанди ўсишдан тўхтаб қолган, дунёга келолмай оламдан ўтган. “Кун ора Аброр шу ерда. Хали уни, хали буни баҳона қилиб келавериб жонимга тегиб кетди. “Эрингдан умидингни уз, менга турмушга чиқ”, - дейди. - Хотиржамлигим йўқолган. Узимни бева аёлдай ҳис қилаялман”, - дея зорланади Шохид. Нима, шахар шунчалик бе-

“Оллоҳ тонгда ризқ улашади, қуёш чиққандан кейин турганлар ўлик ҳисобланади”, - қайнотам бу гапни кўп такрорлайди. Мен эрта туришни у кишидан ўрганганман. Балки шу булунгача ризқимни териб юрганлигим ҳам отам туфайлидир. У кишининг умри узок бўлсин, илоийм. Мен тенги ёки мендан кейин келин бўлиб тушган келинчақлар рўзғори бўлак бўлиб ажралиб чиқшганда уларга жуда ҳавас қилар эдим. Улар ҳафтада, ўн кунда бир нон ёпишар эди. Мен эса кунда-кунора 2 тандир бўлаб нон ёптардим. Катта оиллага келин бўлиб тушган эдим-да! Ҳар куни бир хил тириклик, кир юв, нон ёп, овқат қил. Бу ишларни сидқидилдан бажарсам-да, мен ҳам алоҳида бўлиб чиқшини, айримларга ўхшаб ҳафтада бир нон ёпишни орзу қилардим. Уй солиб, кўчиб чиқиш менга 12 йил деганда насиб қилди. Илгарилари ҳар куни нон ёпиб иссиқ-иссиқ нон есам, энди ҳафтада бир нон ёпиб, қотган нон тишляпман. Гоҳида моворлаб ҳам кетади нонларим. Мен иссиқ нонни қотган нонга алмаштирибман... Қайнотамнинг менга бўлган чексиз меҳрини нималаргадир алмаштириб қўйганимни кеч тушундим.

**Турмушнинг муштига бардош бериш осон эмас.** Келин бўлганимга 5 йил тулган-

да қайним уйланиб, овсинли бўлдим. Шунқаям қувонган эдимки, асти қўяверасиз. Энди тандир-тандир нон ёпишдан кутуламан. Иккита ўғлим бор эди унда. Уларга ҳам бемалол қарайман. Ҳар куни бир хил тирикчиликдан безор бўлган эдим. Овсин тушириб, бутун оилавий ишларни унга

са дер. Акам ҳам ҳеч қачон қаттиқ гапирмаган қайнотамга учрашганини истамди. 1992 йил 19 декабр соат 7-8 лар эди чамамда. Акамниқиди қўшнилари, сингилларим билан ўтирибмиз. Уйларим 4-қават. Дераза ичкарисидан плёнка ва яна икки қават парда билан қопланган эди. Аёл-

**Турмуш сабоқлари**

тиб қўйган қайноталарни кўрганман... Қайнотанинг келинга меҳри нима эканлигини энди-энди тушуниб етаяпман. Мен ўзим ҳам буни 12 йил деганда яъни рўзгорим алоҳида бўлиб чиққанымдан кейин билганман. Кўчиб чиққан йилим 8-

м а р т



**ҚОЛСА ҲАМ...**

топшириб ажралиб чиқиш мен учун бахт эди гўё. “Худога шукр, шу қунларга етдим”, - дейман ўзимга-ўзим. Менинг ҳолатимни кўп болали оиллага тушган келинлар тўғри тушунишса керак. Аммо 2 ойдан кейин овсинимни кўчиришмоқчи бўлганда шунақа қийин аҳволда қолган эдим-ки. Наҳотки мен 5 йилда эришолмаган орзуимга овсиним 2 ойда эришса?... Ахир мен шунча хизмат қилдим, нега у қилмаслиги керак? Ахир мен уни яъни овсинимни кун санаб кутган эдим-ку. Шу беш йил ичида ундагилар билан жанжаллашсам-да, бирор марта ота-онамникига аразлаб бормагандим. Кўпчилик ота-оналарни кўрганман қудасиникига келиб: “Кизимнинг рўзгорини алоҳида қилиб ажратиб қўйинг, рўзгорингизда қийналиб кетди”, - дея қизларини химоя қилишади. Уртага совуқчилик тушмаслиги учун келинларини ажратиб қўйган қайнона-қайноталарни кўрганман. Мен ҳам ота-онамга шундай десам-чи, бу фикр мени икки боламни етаклаб ота-онамнинг олдига боришга ундади.

“Йўқ”, - деди отам, “Мен ундай қиллолмайман. Бирон марта ба қудалар билан сан-манга бормаган бўлсам, нима деб борамиз”. “Эй, Худо!”-дея ялинишдан бошқа иложим қолмади. Эрта-индин овсиним кўчади - нима қилсанг қил Худо, ишқилиб унинг кўчаётганини кўрмай. Унинг кўчаётганини кўриш гўё азоб эди мен учун. Энда шунақаям ҳасад қилаётган эдимки. Касал бўлиб қолсам ҳам майли, овсинимнинг кўчишини кўрмайин, - шу илтижолар билан, Маржонбулоқ шаҳрида яшайдиган акамникига болаларимни етаклаб йўл қилдим. Шу акам менга кўпроқ меҳрибон эди, балки у киши қайнота-қайнонамга бирон нар-

лар билан гаплашиб ўтирибману яна ҳаёлимда: “Эй Худо, эртага овсинимнинг кўчганини кўрмай, ўзинг ёрдам бер, нима қилсанг қил, ўлдирсанг ҳам майли”, - дея ёлвораман. Бир маҳал икки қават парда аста кўтарилди. “Вой деразадан биров кирди, шекилли. Кўрқиб кетаяпман”, - дедим мен ундан кўз узмай. “Тўртинчи қаватдан ким қирар эди. Плёнка билан қопланган бўлса”, - деди янгам қулиб. Шу пайт ўша пардаларнинг кўтарилган жойидан худди юлдузчага ўхшаб нур аста-аста учиб келди-да, лабимнинг чап тарафига қўнди. Кўз олдимда ярақлаб турипти. Буни мендан бошқа ҳеч ким сезгани йўқ. Лабим жимир-жимир этиб нур аста-секин унга сингиб кетди. Тонг отгунча ўша жой жимирлаб турди ва **эрталаб қарасам озгим қийшайиб қолибди.** Кувончим чексиз эди. Бугун касалхонага жўнайман-да, овсинимнинг кўчганини кўрмайман. Отам ҳам, акам ҳам: “Уйингга бор. Кейинги қайнингни уйлантирсанглар сени алоҳида қилиб ажратиб шар балки”, дея насихат қилишган эди. Болаларимни уйга олиб келдим-да, сўнг касалхонага жўнадим. “Худога шукр, Худога шукр, овсинимнинг кўчганини кўрмайман”, - дейман нукул ўзимга ўзим қувониб. Озгимнинг қийшқилигига башарамнинг хунуқлиги билан ишим йўқ. Ҳозир унинг асорати юзюмида қолган. Лекин ҳеч қачон Худога: “Озгим тузалиб қолсин”, - дея нола қилмаганман, чунки уни ўзим Оллоҳдан сўраб олувдим. “Қайтиб ол”, - дейишни унга шак келтириш деб билдим. Ва илтижо қилмадим. Ўша жанжалдан кейин ҳам қайнона-қайнотам билан яна 7 йил бирга яшадим. Қирқ кунлик чилласи чикмай келинларни “кет”, деб ажра-

куни эди. Қайнонам билан ўтирсам, қайнотам кириб келди. Мен кетиш учун ўрнимдан турдим. “Тўхта, ўтир сенда гапим бор болам”, - деди қайнотам менга маъюсгина тикилиб. Мен индамайгина ўтирдим. Бироз жимликдан сўнг: **“Сен мени ташлаб кетдинг-а болам”, - деди йиғламсираб.** Бошқа гапирмади, аммо йиғлаётганини сезиб турардим. Мен эса у кишидан беш баттар ич-ичимда йиғлаётган эдим. 12 йил бирга ўтирсам-да, мендан ажрагиси келмаган қайнотамга қараб: “Мени ёмон кўрганда шундай қилармиди”, - деган уйга бораман. Бу ақлий хув ўша “5 йил хизмат қилдим, қўйиллатдим”, деган вақтларда миямга келганда эди, ҳозир озгимнинг бир чети қийшаймаган бўлармиди?! Оллоҳим нима сўрасанг эртами-кечми беради. Аммо, зинҳор аҳмоқона нарсаларни сўрама экан.

Бозорга кўпроқ ўзим бораман. Чунки ҳўжайиним борса сотган нарсаларининг пулининг анчагина қисмини бекорга сарфлаб қўяди-да. Ўзим борсам иккита сомса ё ёйман, ё емайман, чунки уйга кўпроқ пул келсин дейман-да! Лекин ҳўжайинимни алдайман: “Уни едим, буни едим” деб, бўлмаса уришади “нега оч юрдинг”, - деб. Илгарилари ҳам шундай қилар эдим, бугун ҳам шундай қилаяпман, эртага ҳам шундай қилсам керак. Чунки, **биз аёллар ўз томоғимиздан ўра рўзгоримизни кўпроқ ўйлаймиз.**

Ҳеч қачон ҳўжайинимдан руҳсатсиз бирон нарса харид қилмаганман. Янги чиққан модларни яхши кўрардим. Бозор қилиб оганимда қўлимда канча пуллар бўларди, аммо... Агар ҳар куни оз-оздан қистириб қолиб, онам олиб бери деб бирон қиймлик олсам ким биллиб ўтирибди, чунки қўпчилик аёллар шундай қилишади. Аммо

нимагадир ундай қилмас эдим, эримдан кўрққаным учун эмас, Худодан кўрққаным учун. Эрим бир умр билмаслиги мумкин, аммо Оллоҳ, Худо кўриб турибди.

Тўртта бола туғиб уларга оладиган нафақаларимни газга, чирокча тўлардим. Қолганини рўзгорга ишлатардим. Бу менинг болаларимнинг пули, ўзимга ишлатишим керак, деган фикр йўқ эди. Фақат бир марта тентакли қилганман. Ушанда бешинчи боламнинг туғилишига икки ой қолган эди. Қандайдир сабаб билан болаларимнинг пули бус-бутун қўлимга тегди. Шифокорга текширтириш баҳонасида марказга йўл олдим. “Болангиз яхши ривожланаяпти”, - деди шифокор. Ундан кўнглим тўқ бўлиб бозор айландим. “Кўрпа-ёстак матолар олишим керак эди. Уйдан сўрамабман-да!” - дедим. Мен билан бирга борган қўшимга афсусланиб. “Э, уйланиб ўтирасинми? Ўзингизга эмас, уйингизга оласиз-ку!”, - деди менга далда бериб. Хуллас, **ҳўжайинимдан сўроқсиз ҳамма пулни йўқ қилдим. Эртасига... эртасига эса менинг бешинчи болам дунёга келмаёқ ҳаётдан маҳрум бўлди.**

Севилиб турмуш қурсанг ҳам, бировлар сабаб бўлиб турмуш қурсанг ҳам ўша эр, ўша рўзгор, ўша ташвиш бўларкан. Тўрси-ни айтсам, қизлик давримда турмуш қуришни хоҳламастдим. Бунга сабаб эрини сингиллари олдиди сенсираб қараётган келинларни кўп кўрганман. Унга, мен ҳам бир кун ўша ўхшаб ир онанинг кипригига асраб-авайлаб ўстирган боласини қарғасам? Наҳотки, бир қизалоқ мени деб кечалари: “Ким нега бунча бўш, шунча қарғишларни индамай эшитади”, - деб қўйналади. Наҳотки мени деб, бир ёшгина қизча оиланинг нима эканлигини англаб етмай туриб ундан нафратланса?!. Мен ҳам ўша уришқоқ келинларнинг бири бўлсам керак, деб ўйловдим. Ёшлигимдан ўз-ўзимга қасам ичганман, ё ҳеч қачон турмушга чиқмайман, ё нима бўлган тақдирдаям турмуш ўртоғимни қарғамайман, айниқса сингилларининг олдиди. Улғайиб уйимизга совчилар кела бошлаганда Худога илтижо қилдим: “О, Оллоҳим ё тоқ ўстай, ё шу ичган қасамимни бузмаслигим учун ўзинг қуч-қувват, бардош ва ирода бер”, - деб. Уйдагиларга, тўғрироқ отамга маъқул келган йигитга тегдим.

Ҳаётимни нимадан бошладим? Турмуш ўртоғимнинг менга тўй куни берган гулларини авайлаб-асрашдан бошладим. Ҳаётимда ҳеч қачон йигитлардан гул олмагандим. Мен гулларни қасамимни бузган куним ташлаб юбормоқчи эдим. Худога шукр, ўша 1987 йил 17-декабрда галлароолиқ Тошқуловларнинг гулзоридан мен учун атаб узилган гул 15 йилдирки менинг уйимда сақланяпти. Унинг шалдироқ қоғозлари йиртилиб кетган, гулининг бандлари қовжираб қолган. Барибир уни ташлагим келмайди. Турмуш ўртоғим бунни билади-ми-йўқми, билмайман. Бу гуллар севмай турмуш қурган оддий бир аёлнинг никоҳга, оиллага садоқатининг рамзи бўлиб қолишини хоҳлайман.

**Равно АБАЗОВА**

**Жиззах вилояти  
Галлароол тумани  
Навроз қишлоғи**





## ШЕЪРИЯТ ДАФТАРИДАН

### СИНОВ

Мен сени севгандим билмай, синамай,  
Оловга ташладинг мени аямай.  
Вужудим кул бўлди, ютганим тутун,  
Ялмоғиз - айрилиқ ютар ялмай.

Шўрни севмас экан ялмоғизлар ҳам,  
Пешонам шўрлиги билиниб қолди.  
Эки худойим ҳам дедими: "Бандам"  
Эки худога бир айтганим борми?

Эки сен, ё тақдир синайсиз тинмай,  
Бардош бераяпман кечмоққа кўнмай.  
Дардларин бўшатсин, овуңсин дея,  
Хаёт қўлларимга бериб кўйди най.

### ЭЗО БОҚАР

Эй ёр, нега биз афсона бўлдик,  
Ўзгалар холига кулмовдик-ку ҳеч.  
Телба эмасдик-ку девона бўлдик,  
Эки ишқ нелигин англадикми кеч.

Энди эса икки сайёраларимиз,  
Бирга йўл тополмай овораларимиз.  
Охудек юраклар, воҳ яраланди  
Ҳижрон даштларида дилпораларимиз.

### ЭЗО БОҚАР

#### ТОРТИК КУТАМАН

Сен кел, десанг дунёлардан ошиб келаман,  
Дарёлардай, денгизлардай тошиб келаман.  
Шу бир сўзга маҳтал бўлиб титраб турибман,  
Минг йилда ҳам айтар бўлсанг шошиб келаман.  
Мен бу сўзни зор кутаман, интиқ кутаман,  
Синовлардан, сабримдан ҳам ортиқ кутаман.  
Дилингдаги чорлов бир кун тилингда кўчар,  
Мен тақдирдан шундай бахтли тортиқ кутаман.

### ЭЗО БОҚАР

Менга дил бердим деб бердингми оғу,  
Тюрак косасида лиммо-лим захар.  
Ирмак ичяпман азобини, оҳини  
Ҳимматинг тугамас оқшому сахар.  
Тунларим моҳини йўқотиб кўйди,  
Моҳнинг супасига сепилган оғу.

Кубарро БАХРОМОВА

### КЎЗ ОЛДИМДАСАН

Келишган эмассан балки унчалик,  
Киройи эмасдир феълинг ҳам, бироқ,  
Ўзимдан совутмай сени қанчалик  
Кўпроқ севавердим, соғиндим кўпроқ.  
Йилларга топширдим унутай дея,  
Чехрамга ажинлар солдим атайлаб.  
Йўлларни беркитдим кутмайин дея,  
Кўзугга боқмадим кунлару ойлаб.  
Сочининг қораси оқларидан кам,  
Юракнинг додига солмадим қулоқ.  
Аямай қувладим хаёлимдан ҳам,  
Тушларим қаргадим сени кўрсам гоҳ.  
Яна нима қилай, қандай унутай,  
Кимга дардларимни ёрайин, ё раб?  
Мен нима қилмайин, қандай йўл тутмай.  
Кўзларим олдида турибсан қараб.



### СЕВГИ ЙЎЛЛАРИ

Хижроннинг ўти... қовурилар тан,  
Жигарим қабобу юрагим гулжан.  
Аламинг туби йўқ сеҳрли кўза,  
Ичсам тугамайди, ёкимсиз бўса.  
Севги ўт ташлаган жойларга айтдим,  
Мен каби парвона бормикан ўзи.  
Севгини жон қадар тутгандан қайтди:  
Ким севса йўллари изтироб узун.  
Бу йўлнинг чеки йўқ умрга қадар,  
Ковушлар, ҳассалар тўзиди минг бор.  
Бу йўлга қиради юраги борлар.  
Дедим: майли ишқун бу жоним бекор.

### ОДДИЙ ЯШАШ

Кўнғирок жиринлар,  
Очилар эшик.  
Хоржин қиёфада кириб келасиз,  
Юзингда чарқонинг юқи,  
Кўнгулдан сув ичар  
раҳм қушчаси,  
Жонимни қўйнайди  
чарқонинг юқи.  
Салом бераман,  
Оласиз алик.  
Нафасимни ичга ютаман, бегим,  
Озор бермасин деб шамоли.  
Кундузи санқанга қора  
Шубҳанинг иш бермас амали.  
Овқат тайёр,  
Олиб келаман.  
Жимгина тамадди қиламиз яна,  
Юракни забт этар бир зум хоржинлик  
Ўқлари сиздан-да кўнғулга кўчиб,  
Сўнгда сезаман ўта толгинлик.  
Кулоғин бурасиз  
Ойнаижохоннинг.  
Дилимга наволар учиб келади,  
Кўринмас кўзимга кун бўйи таъқиб  
Қилган  
Дунёнинг кири.  
Аллақерларга қочиб кетади,  
Тилига гийбатнинг нишонин тақиб  
Юрган  
Нодўстнинг сирин.  
Эркаланг келади,  
Худди боладек.  
Нега эркалатмайсиз дейман хўмрайиб,  
Аразим бўйлайди бағримда жондек.  
Сиз эса куласиз ҳар галгидек шод,  
Кипригимга осилар томчи маржондек.  
Турмоқ бўламан,  
Бирдан этагимдан тутиб қоласиз.  
Гапира бошлайсиз.



### ТОНГДА

Эриниб озғини очади гўнча,  
Тун этагин судраб кетади нари.  
Майсанинг лабига тошади учук,  
Гўнғиллаш қуйини чалса болари.  
Севиниб кетади бирдан капалак,  
Қоқиғул бошида чироқни кўриб.  
Ку-кулаб юборар бехос мусича,  
Алпанг-талпанг юрган барқоқни кўриб.  
Эркалигин бошлаб сабо - болакай,  
Майса кулоғини тортиб ўйнайди.  
Бебош боласини олдига солиб,  
Шамол Қоратовга қараб жўнайди.

### ЭЗО БОҚАР

Ранг-баранг ҳисларинг саргайиб қолди,  
Ранг-баранг кунларинг қолди мунгайиб.  
Кичик вужудингда, кўнғлинг тўрида  
Сап-сарик соғинчинг кетди улгайиб.  
Энди юрагингга у сизмас сира,  
Вужудинг ҳокиммас, ҳукммас сўзинг.  
Унинг ҳузурига кетиб қолади  
Қулоқсиз соғинчинг йиғлатиб кўзинг.  
Шунда... оёқларинг эргашиб кетар  
Ноилож, ўзингдан ҳижолат бўласан.  
Хонада қадрдон Соғинчинг кўриб  
Шунда, останада портлаб ўласан.

### ЭЗО БОҚАР

#### МАНЗАРА

Кун бўйи эзилди йиғлади осмон,  
Кўз ёши қорларга айлиниб кетди.  
Кун бўйи бағрини тиглади осмон,  
Дил уйда умид, қувончлар битди.  
Оппоқ қўйлақларин кийиб дарахтлар,  
Изимдан термулиб тўкишар ёшин.  
Маъюслик пардасин тутганда борлиқ  
Бобо чинорим ҳам чайқади бошин.  
Лабларимга босмоқ истадим қорни,  
Ёшларга айланди, бермади бардош.  
Туманнинг бағрида олма яширин.  
Сирин очмоқ бўлиб излайди сирдош.  
Фақатгина лоқайд ёш бола мисол,  
Оқ кўрпа устида югурар шамол.

Ойгул УБАЙДУЛЛА қизи

### (Боши ўтган сонларда.)

Останада мени Мутал  
ака кутиб олди. Биз  
орқамга-кетин  
безатиғлик  
дастурхон че-  
тига ўтирдик.  
Дуойи фоти-  
ҳадан сўнг,  
Мутал ака хо-  
тинини чақир-  
ди:  
- Онаси, кел-  
май санми,  
ўғлимизнинг  
дадаси келди!  
Мен хотиним  
томонидан жу-  
даям чиройли  
деб таъриф-  
ланган аёлни  
кўриш учун  
эшикка қара-  
дим, аёлнинг  
парда панасидан чиқмаган ҳолда:  
- Яхши юрибсизми, ака? Эсон-  
омномсиз? Омон-эсонмисиз?  
Ишларингиз яхшими? - деб  
базўр чиққан товушига: "Ҳа, раҳ-  
мат! Тузук! Ўзингиздан сўрасак?"  
- каби навбатчи жумлалар билан  
жавоб қайтариб қўя қолдим.  
- Кисталоқ, кириб кўришмай-  
санми? Бу хотинлар ёмон кирак-  
шак бўлади-да, кўрманасини  
бермагунча ўзини кўрсатмайди!  
- деди Мутал ака ҳазиллашиб.  
- Бобурдаям бор-ку: "Юзини  
кўрсатмагай, то юз жафо кўрсат-  
магай", - дедим Мутал акага пай-  
ров қилиб.

Куролдошим билан битта  
"яримта"ни майдалаб, салқин  
тушганида улар қишлоққа қайта-  
диган пайтгача ўтирдик. Хар-хар  
замонда олдимизга қирган ўғил-  
хоним гоҳ дадасининг, гоҳ ме-  
нинг ёнимда биргас ўтириб, яна  
машинага қараб тураман, дея  
кўчага чиқиб кетарди. Бир-икки  
оёқнинг чигилини ёзиш учун хо-  
надан чиққан пайтимда, хотиним  
билан гаплашиб ўтирган Дилбар-  
нинг елкасими, оёқларининг учи-  
гами кўзим тушиб қолганида,  
этим бир жимирлаб оларди-ю,  
бунинг боисини унинг чиройи-  
ни кўришга бўлган қизиқишимга  
йўя қолардим. Аммо...

Улар кетиш тараддудига тушиб,  
элдан бурун кўчага чиқиб олган  
икки куролдош хотинларимиз  
чиқшини илҳақлик билан кутар  
қанмииз, подьезддан бошини  
эганча чиқиб келган Дилбарга  
кўзим тушди-ю, этимнинг жимир-  
лашларига ҳам Хайдаралининг  
нимага бунчалар менга ўхшаши-  
га ҳам изох топдим - Дилбар  
менинг биринчи муҳаббатим,  
Хайдарали эса ўша муҳаббатим-  
нинг ширинми-аччиқми меваси  
эди!!!

Ўшанда мен ҳарбий хизматдан  
қайтиб, шароитим тўғри келма-  
са ҳам кундузги бўлимга ўқишга  
кирган эдим. Азбаройи уйдаги-  
ларимга оғирлигим тушмаслиги  
учун, дарсдан чиққан заҳоти пул  
топиш учун иш излаб кетардим.  
Баъзан туни билан ишлаганим  
учун, аудиторияда мудраб қол-  
ган пайтларим кўп бўларди.

Бир кун тунги ўнларда қўлим-  
га пича пул тушганидан хурсанд  
бўлиб, юз грамм ароқ ва ошхо-  
нанинг бирор олд овқатидан  
яримта олиб, озгина байрам  
қилиш учун ўз-ўзимга изан бер-  
дим ва бунақа кеч пайтда ҳам  
ишлайдиган ошхонага кирдим.  
Мижозлар сийрак бўлгани учун  
телевизор олдида тўдалашган  
қизлардан бири столим олдига  
келиб, нималар олиб келишини  
сўради.

Қиз шу қадар кўҳлик эди-ки,  
бор чарчоғимни унутдим.  
Унга овқат ҳақини тўлаб, кўча-  
га чиққан пайтим ётоқхонага ке-  
тишга ҳам ошиққим келмасди ва



## МУҲАББАТИМ

шошилмай тўғри қилган экан-  
ман. Ошхонадан чиққан уч қиз  
қалдирғочлардек вижир-вижир  
қилганча бекатга яқинлашиб, та-  
лабалар шаҳарчасига кетадиган  
сўнги автобусни кута бошлаш-  
ди. Деярли бу бўш автобусга  
бирин-кетин мингашдик. Улар  
билан битта бекатда тушдим.  
Фақат ётоқхоналаримиз бошқа-  
бошқа бўлгани учун йўлларимиз  
айрилди. Мен қизлар ки-  
риб кетаётган ётоқхонага - ик-  
кинчи қаватда иккита хонанинг  
чироклари ёнғунча қараб ту-  
рдим. Бироздан кейин дераза-  
лардан бири шарақлаб очилди  
ва ўша қизнинг чирок ёритган  
сумбати кўзимга ташланди...

Биз Дилбар билан жуда иноқ-  
лашиб кетдик. Учинчи курсда  
ўқийётган Дилбар кечки пайт  
ўша ошхонада идиш ювувчи ва  
официантликни уч дугонаси  
билан қилишар экан. Кейин ёз  
келди ва бизлар кўзгача бир-  
биримизни кўрмадик.

Мен учунчи, у битирувчи курс-  
га ўтган кузгада яна аввалгидек  
учрашишлар бошланди. Унинг  
идиш-товоқ ювавериби оқем  
бўлиб кетган қўлларини ушлаб  
ўтиришини яхши кўрардим. Қиз  
қўлларини тортиб олмас, мен  
ҳам қўйворадиган анойилардан  
эмасдим. Аммо, энди уларни  
ўпаман деганимда, балиқдек  
"шил" этиб қафларим ораси-  
дан чиқиб кетарди.

Янги йил арафасида илк мар-  
та уни деворга такашга муваф-  
фақ бўлдим. Қиз бир-икки ури-  
ниб, чиқиб кетишининг урдаси-  
дан чиқолмаслигин билганидан  
сўнг, қолганини ўзимга қўйиб  
берди. Кейин-кейин ҳафтада бир  
унинг хонасида, бир менинг хо-  
намда ётиб юрдик. Дилбарнинг  
дипломини никоҳ тўйимиз билан  
қўшиб нишонлаймиз деб  
ишонардик. Аммо, сен қилсан  
ўттиз, эгам қилади тўққиз, де-  
ганларидек, уйимдагилар менга  
қариндошларимиздан бирининг  
қизини, мана шу ҳозирги хоти-  
нимни келин қилиш ҳаракатига  
тушган экан. Мен бунга қарши  
чиқиб, ўзимнинг садоқатимни  
кўрсатиш учун бор гапни Дил-  
барга айтдим. Дилбар индама-  
ди-ю, белидан оширган қўлим-  
ни қорнига босди-да: "Бу йиғит-  
ча тезроқ тўйни қилинлар, де-  
япти!" - деди. Мен бу гапдан хур-  
санд бўлишимни ҳам, хафа  
бўлишимни ҳам билмай, сўра-  
дим: "Бунча тез? Шу нарсани  
тўхтатиб туриш керакмиди?"

"Келган меҳмонни қандай ор-  
қасига қайтариб бўлади?". "Ба-  
рибир ёш қизчамасиз-ку! ол-  
дириб ташланг, агар мени де-  
сангиз!". Дилбар индамади.  
Менинг ҳам ховури босилади,  
хонасидан чиқиб кетдим.

(Давоми бор.)

Оллоёр БЕГЛИЕВ



**Бирон бор кун бўйи оёқда қанча юришингизни ҳисоблаб кўрганми? Йўқ дейсизми? Ҳисоблаб кўрсангиз ҳайратдан ёқа ушлаган бўлардингиз. Айтинг-чи, оёқ парваришига қанча вақт сарфлайсиз?**

**Аслида оёғи туфайли оғриқ ва ноқулайликларни ҳис этмаган одам топилмас керак. Ахир шундай бўлиши табиий ҳам. Чунки биз оёқда юриб қадамба-қадам ер юзини ўртача беш марта айланаб чиққандек бўларканмиз. Аксарият ҳолда сочларимиз, теримиз парваришига ҳафсала қиламиз-у, оёқларга ҳам қаров лозимлигини у қадар ўйламаймиз. Фақат оёғимизда ноқулайлик сезгандан сўнггина у ҳақда эслаб қоламиз. Бизни бир умр кўтариб, садоқат билан хизматимизда бўлган оёқларимизни баладд пошнала, тор туфлилар билан "сийлаб" азоб чекишга мажбур қиламиз. Аслида эса оёқларимиз ҳаммиса қаровга, эътиборга муҳтож...**

### ТИРНОҚЛАРНИ ТОЗАЛАШ — ПЕДИКЮР

Албатта тирноқларни лак билдан бўяш, бу ҳали иш битди, дегани эмас. Доимий тирноқларни тозалаб туриш — педикюр - (ойда ҳеч бўлмаса 2 марта) оёқларга кўркамлик бағишлагина қолмайди, балки қадам босиб юришни енгиллаштиради. Педикюрни қанчалар кунт билан амалга оширсангиз оёқ қадоқ, тери ёрилиши, кўзқоринли (грибок) касалликларга шунчалик кам чалинади.

Оёқ тирноқларини қайчи ёрдамида текис қирқинг. Сўнг тирноқ учларини махсус арра-

ча билан текислаб арраланг. Арралаётганда оёқ иссиқ сувда бўктирилган ёки ҳўл ҳолда бўлмасин.

Энди тоғорачага ош содаси кўшилган (30-35°) илик сув солиб оёғингизни 5 дақиқага ботириг.

Оёқдаги қадоқни соқол қирқадиган станок билан секин-секин кетқизинг.

Совун суриб мочалка билан яхшилаб ишқалаб ювинг.

Тирноқ атрофига юмшатовчи крем суртинг. Икки минутдан сўнг тирноқнинг ички четларини махсус темир ёки ёғоч

скраб - кумоқли крем суртиб ювиб туринг.

Хар галги чўмилиш, ювинишдан сўнг, оёқлар териси қуруқлаб қолмаслиги учун юмшатовчи крем ёки лосьон суртинг.

Тиззагача таркибида асал ёки Е витамини бор қўл кремидан суртинг.

Хар гал душда чўмилгандан сўнг оёқ товонларини пемза билан қириб, дағаллашиб қотиб қолган теридан халос этинг.

Оёқлар туфли ва ботинкада

ган қайноқ сувга оёғингизни ботириг.

Чарчаган оёқларга тенг микдорда олинган ялпиз, череда — иттиканак (ботқоқда ўсадиган сариқ ёки оқ гулли ўт) бузина — маржон (қизил мевали бута) (бу дориларни дорихоналардан топсангиз бўлади) дамламаси фойдалидир.

### ОЁҚЛАРНИ УҚАЛАШ

Оёқлардаги чарчоқни кетқа-



куракча билан кенгайтириб чиқинг. Агар бундай асбоб қўл остингизда бўлмаса тиббиёт доқасини сувга ботириб олиб, бармоғингизга ўраб, тирноқ четларини қўл билан кенгайтиринг.

Оёқ товонига энди крем суртинг.

Энди тирноқларга лак суртиш мумкин.

### ОЁҚЛАРНИ КУНДА ПАРВАРИШ ҚИЛИНГ

Хафтада бир марта оёқларни белдан учигача эски теридан халос этиш учун махсус

сиқилмаслиги, терламаслиги учун оёққа мўлжалланган дезодорант ва кремлардан фойдаланишни ўзингизга одат қилиб олинг. Махсус кремлар, ула ва гелларни хар кун тоза ва қуруқ товонларга суртинг.

А, В, С витаминлари (карам, балиқ гўшти, сабзи, мой, лимон ва апельсин) истеъмол қилишга ҳаракат қилинг.

### ОЁҚЛАРГА ДАМ БЕРИНГ

Агар Сиз пиёда кўп юрган бўлсангиз қўйидаги амалларни бажариб оёғингизга дам беринг:

Ялпиз дамламасини (4 ош қошиқ ялпизни 3 л. қайноқ сувга солиб 30-40 минут дамланган) илик сувга қўшиб оёғингизни ботириб ўтиринг.

Қон айланишини яхшилаш учун туз ва арча барглари қўшил-

зишинг энг яхши йўли уқалашдир. Хар куни 10-15 минут ўз-ўзини уқалаш қон айланишини яхшилайдиган, ёғ ва тер фаолиятга ижобий таъсир кўрсатади. Оёққа уқалаш креми ё ўсимлик ёғидан суртиб учларидан тепасигагина уқалаш ва силлаш амаллари бажарилади.

### КўПРОҚ ОЁҚ ЯЛАНГ ЮРИНГ

Шифокорлар фикрича ерда яланг оёқ юришининг бутун организм фаолиятга, иммунитет ошишига, товондаги рефлекс нуқталарига фойдаси беқиёс экан.

Уйда бўлганингизда пайпоқ ва тапоқчалардан воз кечиб, яланг оёқ юришга одатланг.

Оёқларни яланг юришга одатлантириш учун аввало ўтланли, қумли, тупроқли ердан юринг. Фақат ер тошчали бўлмаслиги керак. Бундай ерда оёқ тез чарчайди.

Аста-секин қаттиқ ерда яланг

гоёқ юришга ўтинг. Тошлар ва гравий қопланган йўлда қадам ташлаш буйрак фаолиятини, асфальтда яланг оёқ юриш эса мия фаолиятини яхшилайдиган.

### ОСОН ВА ОДДИЙ АМАЛЛАР

Дағаллашган ва қадоқ босган оёқлар терисини юмшатиш учун қўйидагиларни бажаринг.

Сутга олма қўшиб пиширилган аралашмини иккала оёғингизга суртиб доқа ёрдамида боғлаб қўйинг.

Картошка пўстани ва каноп уруғини ярим станок сувда паст оловда бўтқа ҳолига келгунча қайнатинг ва бироз совуғач, 15-20 дақиқага бу аралашмага оёғингизни ботириб ўтиринг. Сўнгра иссиқ сувда оёғингизни чайинг ва артиб, ёриқларига йўқ суртинг. Охирида оёққа озикли тирувчи крем суртиб силанг.

Хар оқшом оёғингиз учун совун-содали ванна қабул қилинг. Тери юмшагач, дағал жойларини пемза билан артинг. Сўнгра юмшатовчи ёки озикли тирувчи крем суртинг.

### ҚАДОҚНИ ЙЎҚОТИНГ

Янги пайдо бўлган қадоқни йўқотиш учун оёғингизни мой-чечак ва череданинг 50 граммини 3 литр сувдаги дамламасига 2 ош қошиқ сода қўшиб, оёқларингиз учун ванна қилинг. Юмшаган товонларни пемза билан қириб, қадоқдан халос қилинг.

Эски қадоқни аввало юмшатиш лозим. Кечаси сиркада (уксус) ивтиланган пиёзни суртиб қадоқли оёқни бинт ёки пластр билан ўраб қўйинг. Эртала қадоқни пемзада эҳтиёткорлик билан қириб ташланг. Сўнгра маълум муддатда пластр ёпиштириб қўйинг.

Л. АҲМЕДОВА тайёрлади

**23 августидан бошлаб Сумбула ойи киради. Бу ой 21 сентябргача, 30 кун давом этади. Ушбу ойда ўзбекча "Бошоқ" ва форсча "Хуша" номи билан аталувчи бурж ҳукмронлик қилади.**

Сумбуланинг таърифу тавсифи, ўзига хос хислат-хусусиятлари, файзу тароватлари, латофатлари ниҳоят кўп. Донишманд халқимиз асрлар давомида уларни тажрибада қайта-қайта синаб кўриб, муайян хулосаларга келганки, улар эндиликда ҳам, бундан кейин ҳам ҳеч қачон ўз мазмун-моҳиятини йўқотмайди.

Сумбула, авваламбор, ўзининг салқин ёқимли ва мўътадил об-ҳавоси билан кишиларга роҳат, қалбларга қувонч бағишлайди. Дехқон меҳнатининг, бобон ғайратининг, чорвадор шижоатининг самараси шу ойда кўпроқ намоён бўлаверади. Пахта қийғос очилади, йигим-терим бошланади. Узум, мева, анжир, анор, қовун, тарвуз, помидор ва бошқа пайкал неъматлари фарқ пийшадиган маккажўхори дони тўлишиб, тайёр бўлади. Чорва моллари тез семиради, сигирлар сути тагин ҳам қуюқлашади. Яйлов кишиси қочириб мавсумига тайёргарлик ва кишлоқ тарвадудини жадаллаштиради. Хуллас, вақтида астойдил меҳнат қилган дехқон, бобон ва чорвадорнинг галвири сувдан тўлиб чиқаради. Шу сабабли юрагида ўти, билагидан кучи бўлган одам сумбулада тиниб-тинчимади. Хамманинг фикри-ёди етиштирилган мўл ҳосилни



## СУМБУЛА ХАЙР-БАРАКА ОЙИ

сира нобуд қилмай, аъло сифат билан, тез ва соз, ёгин-сочинга қолдирмай саранжом-сарийшта қилиш билан банд бўлади. Сумбула мўл-қўлчилик ойи. Бошқасини қўяйлик. Жумҳуриятимиз шаҳарларидаги мева-сабзавот бозорлари манзарасига бир назар ташлаган одам сумбула таровати ва қут-баракаси беқиёсلىгига гувоҳ бўлади-ю, қалби қувончга тўлади. Бошқа юртлардан ташриф буюришган меҳмонлар ҳайрату таҳсинларини-ку қўяверинг.

Сумбула хайр-бараката ойи. Чунончи шу ойда йиғиб-териб олинган пахта-нинг ҳаммаси юқори навли бўлади, йил ўн икки ой қилинган меҳнат дехқонга катта даромад келтиради. Ҳосилдан бўшаган майдонлар вақти-

да шудгор қилиниб, келгуси йил мўл ҳосилига мустаҳкам замин яратилади.

Сумбула доҳил бўлиши билан соҳибкорлар ҳам енг шимариб ишга киришадилар. Дастрлаб қора кишмиш нав, сўнгра оқ кишмиш ва бошқа нав узумлар йиғиб-териб олинади, майиз қуритилади. Тажрибакорлар узум узиш ва майиз қуритишни сумбула чиқмай тугаллаш зарур эканлигини тавсия этадилар. Негаки, қуритиш учун ёйилган узум устига ёмғир тушгудек бўлса, майизнинг сифати паст бўлади. Бу тавсия оқжўхори, маккажўхори дони ва кўпгина мева-сабзавот йигим-терим учун ҳам тааллуқлидир.

Бу ой кириши билан табиатда ҳам ўзига хос ўзгаришлар содир бўлаверади. Эътибор берсангиз, сумбуланинг дастлабки куниданоқ булутли кунлар кўпайиб, тез-

тез шамол эса бошлайди. Ҳарорат пасаяди, кечалари айниқса салқинлашади. Булоқлар, дарёлар суви камаяди. Шунинг учун ҳам қишлоқ кишилари: "Сумбула ёз билан қиш ўрта-сидаги ганимат фурсат, унинг ҳар бир кунини ва ҳар бир дақиқа-сининг қадрига етиш керак", "Сумбула чиқиши билан изғирин бобо, ундан сўнг қорбобо эшик қоқади",



"Сумбула салқин билан огоҳлантиради", "Сумбулада сув тинар" каби ўғит ва ибораларни тез-тез такрорлаб турдилар. Табиат: "Ернинг ички ҳарорат нафаси қайтиди, тупроқ совуди, хушёр бўл,

ҳамма ишингни тезроқ саранжом қил, ҳадемай ёгин-сочинли кунлар бошланади, панд еб қолма тагин", дея огоҳлантиради. Яна бир гап: қузатувчан одам сумбула кириши билан даъфатан соқинлик чўкканлигини сезади. Чунончи, чумчуқлар ҳадеганда аввалгидек жавраб чирқиллашмайди, лайлак, қалдирғоч, кўкқарга, сассикпопишак каби иссиқ ўлкаларга сафар қилувчи қушлар бирин-кетин кўринмай қолади, кун қисқалиги сезилиб қолади. Қуёш ботиши билан дарҳол атрофга қоронғулик чўқади. Кечалари осмон қопқора тусда бўлаб, юлдузлар йирик, равшан ва анча кўпайгандек кўринади. Хўш, нега шундай? Буларнинг ҳаммаси, юқорида айтганимиздек, иссиқ-илик кунлар ўтиб, совуқлар фасли яқинлашаётганлигидан далолат, албатта.

Сумбулада ёгингарчилик деярли бўлмайди. (Хар ўн беш, йигирма йилда содир бўладиган сийрак тасодифлар бундан мустасно). Хавонинг ҳарорати ўртача 18-20 даража атрофида бўлади. Кексаларнинг хотирлашларича, сумбулада баъзан ниҳоятда иссиқ, ёки аксинча, дурустгина совуқ кунлар ва тунлар кечиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Аммо кўзга тенг кунлилик (мезоннинг кириши) дан сўнг изғирин, совуқ ва ёгингарчиликлар бўлмайди, деб қафолот бериш қийин.

АНОРА



# ХУШРҮИЛИК СИРАЛАРИ

Сочларингиз кўрам ва узун бўлса жуда яхши. Улар ортиқча ташвишсиз чеҳрангизга кўрк бағишлайди. Аммо, улар калта ва кўримсиз бўлса-чи?.. Бу саволга жавобан сиз: “Кестирсаммикан?” - дейишингиз мумкин. Дарвоқе, сочни кестириш-кестирмаслик ҳар бир кишининг ўз ивон-ихтиёрида. Лекин, кестиргандан кейин, “Иш битди, энди соч савдосидан қутулдим”, деб ўйласангиз хато қилган бўласиз. Кестирилган сочга чиройли шакл бериб турмаклаш ҳам анчайин маҳорат талаб қилади. Бунинг учун ҳар гал сартарошхонага боришни эса чўнтак кўтармаслиги мумкин. Сиз ўзингиз ҳам озгина қунт қилсангиз бу ишнинг уддасидан чиқишингиз мумкин, албатта. Бунинг учун сизга фен, плойка бигуди, лак, мусс, гель каби ашёлар зарур бўлади. Буларни эса бозордан ёки дўконлардан харид қилишингиз мумкин. Аввало сочингизни яхшилаб ювасиз. Мусс-кўпик суртасиз. Сўнгра фен ёрдамида сочни қуритаётиб, истаган шаклга келтирасиз. Бундан сўнг сочингизни хоҳласангиз сал аввалроқ электрга уланган плойка билан жингала қилиб бурашингиз мумкин. Плойка билан бигуди ишлатсангиз ҳам бўлади. Бигуди билан ўралган сочни 2-3 соатдан кейин ечасиз-да тарайсиз. Соч турмагингиз ўзингизга ёқадиган шаклга келгач, лак сениб қотириб уни мустаҳкамлайсиз.

Азиз опа-сингиллар! Вақтингиз қанчалик тигиз бўлмасин сочингизга оро бериб юришни унутманг. Пахмайган сочлар нафақат кайфиятингизни бузади, балки, атрофдаги одамларда ҳам нохуш таассурот қолдиради. “Соч ҳам ҳусн”, - дейишади. Агар ҳамisha гўзал ва ораста бўлиб юрай десангиз, қуйидаги соч турмақларидан истаганингизни танлаб олишингиз мумкин.

Узун ва қуюқ сочларни соч тўғноғич ёрдамида тепага йиғасиз. Пешона ва чакангизга сочларингиздан тушириб, уларни махсус кўпик-мусс ёрдамида бураб шаклга келтириб қўйсангиз янада кўрам кўриниш касб этади.



Ушбу соч турмаги жуда осон. Бармоқларингизни мусс ёки гелга ботириб ҳўл сочларингизнинг тубига суриб тепага кўтарасиз. Уни истаган шаклга солишингиз мумкин. Кокилингизни пешонадан йиғиб ён томонга кўтарсангиз ҳам бўлади. Бўёғи эса ўзингизга, фантазиянгизга ҳавола.



Ушбу соч турмагига фен билан тўлқинсимон шакл бериб, сочни ялтиратувчи крем билан гажаклар тушириб қўйиш ҳам жуда ярашади.



Сочингиз юмшоқ ва ўртача узунликда бўлса, уни ювиб махсус чўтка тароққа ўраб фен билан қуритиб хурпайтирасиз. Бу турмак чеҳрангизни очади.



Каре шаклида кесилган сочлар ҳам ўзига хос ярашикли. Ювилган сочларни думалоқ соч чўткаси билан учларини ичига қаратиб фен билан қуритасиз. Агар пешонангиздаги кокилингиз ёқмаса, бежирим тўғноғич билан ён томонга қистириб қўйсангиз янада чиройли кўринасиз.



Ҳўл сочларни майда қисмларга бўлиб, ҳар бирини йирик бигудилар билан юқорига қарата ўраб чиқасиз. Маълум муддат ўтгандан сўнг сочларни кўтариб истаган шаклингизга солиб тарайсиз ва мусс ёки гел билан қотирасиз.



Ҳўл сочларингизни ҳар бир толасини юқорига тараб, йирик ва юмалоқ тароқда фен билан учини ичкарига қаратиб қуритасиз. Сўнг яхшилаб тараб лак сепсангиз кифоя. Бу ажойиб турмагингиз билан сиз оқшом тантаналарининг маликасига айланасиз.

Саҳифани Б.САЙДАЛИЕВА тайёрлади



Мана бу шакл табиий кўринишда бўлиб, айниқса ёшларга жуда ярашади. Ҳўл сочларингизга ўртача микдорда мусс сурасиз-да, баланд кўтариб фен билан қуритасиз. Сўнг лак билан қотирасиз.



Қуюқ ва жингалак сочлар кўп вақтингизни олмайди. Яхшилаб қуритиб, соч тарайдиган чўтка билан мана бу шаклга солишингиз жуда осон.



**ХАНДАЛАР**

- Бурунни оққа бўяб кўядиган косметика бўлими қаерда?  
- Сизга унақа бўлимнинг мутлақо кераги йўқ. Бурунгииз қизарган пайтда хотинингизни эсласангиз бўлди, бурун тугул юзингиз ҳам оқариб кетади.

Уй бекаси:  
- Ишингизнинг сифатига - беш юз!  
Сантехник:  
- Ва ремонт учун ҳам. Жами минг сўм - битта арок!




Кимё фанидан талаба имтиҳон топширарди.  
- Аммиак тўғрисида нима биласиз? - деб сўради профессор.  
- У фақат кўз ёши келтиради, - деб жавоб берди талаба.  
- Жавобингиз ҳам! - деди куюниб профессор.

- Вокзалга борадиган энг яқин йўлни кўрсата олмайсизми?  
- Кўрсатолмайман.  
- Демак, сиз ҳам бу ерлик эмас экансизда?  
- Аксинча, мен шу ерликман. Бироқ, такси хайдовчисман.



Рассом Т. МҮМИНОВ



Изоҳга ҳожат йўқ...

Фонограммасиз Сайрамайман...



Шифокор беморга:  
- Хар куни балиқ еб туринг. Сизда фосфор етишмайди.  
- Мен соғаймоқчиман, ёруғлик тарқатмоқчи эмасман! - деди бемор.

Сотувчи харидорга бир жуфт туфли кўрсатиб деди:  
- Мана шуни олинг, биродар умрингизнинг охиригача чидайди.  
Харидор кулиб жавоб берди:  
- Мен бу қадар тез ўлмоқчи эмасман.



- Яна бироз кўтар, сичқонвой, етай деб қолдим.

**МУСАХХИХ ЁН ДАФТАРИДАН**

- ✓ Мард одамни ниши (иши) ҳамisha ўтқир бўлади.
- ✓ Тили ва дили ўғри (тўғри) кишини хизмати миннат бўлади...ми?
- ✓ Ёрим қозиқ -(озик) овқат олиб келди.
- ✓ Энди чўмичи лой (мой) ичида...
- ✓ Қари (ари) қақди.
- ✓ Севгининг кўзи зўр (кўр) бўлади.
- ✓ Сийлагани гул (пул) топмасанг, сайрагани тилинг бор.
- ✓ Ақл ёшда эмас, ошда(бошда).
- ✓ Аҳмоқ хоримас, бўса (кўса) қаримас.
- ✓ Буқа - шохидан, йигит - дилидан (тилидан) тутилади.
- ✓ Пул (гул) хидлаган тўйдим демас.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ



Рассом А. ҲАКИМОВ



Рассом А. ҲАКИМОВ

- Ёндирасиз менга қараб, Куйдирасиз менга қараб. Юракка гулгула солиб, Улдирасиз менга қараб. (Баъзи хонандалар ёшига ярашмаган кўшиқларни куйлашайпти).

**КҮЙ (21.03 — 20.04).** - Деярли хар бир кунингиз ютуқларга бой бўлади. Моддий аҳволингизни янада яхшилаб олиш имконияти пайдо бўлади.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Қилган ишларингизнинг натижаси ҳафта охирида самара беради. Бунинг учун сизга ёрдам берган дўстларингиздан миннатдор бўлишингиз керак.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Душанба куни бироз кайфиятингиз тушиши мумкин. Ҳамкасбларингизнинг қўллаб-қувватлаши сизга куч ва ишонч бағишлайди.

**КИСКИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Меҳнатсеварлигингиз сизга муваффақият келтирса-да, тижоратчи ҳамкорларингиз билан эҳтиёт бўлиб муомала қилганингиз маъқул.

**МУНАЖЖИМЛАР**

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Ҳамкасбларингиз билан юз бериши мумкин бўлган ноҳушликларга эътибор берманг. Уларга илик муносабатда бўлинг.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Ўзингиз яхши синамаган, билмаган инсон билан севги риштасини боғлашга интиланг. Бу борада қилни қирқ ёриб иш тутишни маслаҳат берамиз.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Агар ақл билан иш тугсангиз шу ҳафта сизга жуда кўп ажойиб лаҳзаларни ҳада этади. Олис сафарга ҳафтанинг иккинчи ярмида чиқшингиз мумкин.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Сешанба куни раҳбарингиз билан мулоқот қилиш учун кулай. Сиз шу ҳафта ўз муаммоларингизни қўйналмасдан ҳал қилишингиз имконияти бор.

**БАШОРАТИ**

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12).** - Ҳамкорларингиз билан тузилган шартномалар омад келтирмайди. Бу ҳафта ни яхшиши яқинларингиз, ота-онангиз ҳолидан хабар олишга бағишланг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** - Ўз келажагингиз ҳақида жиддийроқ ўйлаш вақти етди. Сармоянгизни ишга солиб, каттагина пул ишлаб олишингиз учун туғилган имкониятдан фойдаланиб қолинг.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Қизик-қонлигингиз сизга анча ташвиш келтиради. Ўз феълингизни ўзгартириб кўринг. Ақс ҳолда ёлғизланиб қоласиз.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** - Оила аъзоларингизнинг сизга бўлган меҳри беқуб ёрдади. Шунинг учун ишда бўладиган дилхиралликларга парво қилманг. Дам олиш кунларини ота-онангиз билан ўтказинг.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

**Оила ва жамият**  
Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.  
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**  
Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50  
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46  
Бухгалтерия: 132-07-41  
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси босмаҳонасида чоп этилади. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.00  
Босишга топширилди - 21.00  
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси**  
**ОБУНА ИНДЕКСИ - 176**  
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 736. Формати А-3, ҳажми 4 босма тобок, Адади - 19112  
Саҳифаловчи — Ақбар ШОДИЕВ.  
Рассом — Гулнора РАҲМОН.  
Навбатчи — Т. НОРИМОВ  
Мусаххих — С. САЙДОЛИМОВ.